



# O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2012-yil, 9-fevral. Payshanba 17-18 (31.450) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqarilgan boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

## ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч



Владимир ГОРНАЧЕНКО олган суратлар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Тошкент шаҳар партия кенгаши билан ҳамкорликда Олмазор туманидаги Республика кўз касалликлари шифохонаси бошланғич ташкилотиди «Мустаҳкам оила — жамият тараққийотининг таянчи» мавзусида давра суҳбати ўтказди.



## ҲАМКОРЛИК ВА ФАОЛЛИК — ЮКСАК САМАРА ОМИЛИ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи раҳбарлари, тумандаги БПТ етакчилари, республика кўз касалликлари шифохонаси мутахассислари иштирок этди.

Ҳафиза Каримова, Саттор Раҳматов, шифохона бош шифокори Клара Валиева, шифохона хузуридаги БПТ раиси Гулжамила Комилова, Олмазор туман партия кенгаши раиси Камолиддин Акрамов ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмадбекова. — Чунки кўйи бугун фаолиятини кучайтирмай дастурий мақсадимизга эришиш қийин. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бошланғич ташкилотларни фаолаштирмай партияни кучайтириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

— Бундай тадбирлар партия аъзолари сиёсий, ҳуқуқий билимини оширади, ижтимоий фаоллигини кучайтиради, — дейди ту-

ман Кенгаши раиси Камолиддин Акрамов. — Энг муҳими бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантиради, уларни амалий ишларга ундайди.

Алишер РАВШАНОВ, ЎзХДП МК Матбуот хизмати ходими.

## Оила ҳақидаги ҳикматлар

Оила муқаддаслигини таъминлайдиган биринчи омил — она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.

Ислом КАРИМОВ

## Эътироф

Ўзбек халқи узок тарихга, бой маънавий мерос ва қадриятларга эга экани бутун дунёга маълум. Мустақиллик йилларида миллий қадриятларингизни тиклаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш масаласида эътибор қаратилаётгани, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилангани таҳсинга сазовордир.

Кестутис Петрейтс, (Литва).

## Бугун Алишер Навоий таваллуд топган кун

## МАНГУ ИЛҲОМ МАНБАИ

Тошкент Фотосуратлар уйида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллигига бағишланган «Бақо гули» деб номланган бадий кўргазма очилди.



Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда адабиётшунос олимлар, санъатшунослар, мусаввирлар, фотожурналистлар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ислом Каримов раҳнаомлигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларни миллий истиқлол гоёсига садоқат, Ватанга муҳаббат, буюк аждодларимизнинг боқий меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада раванг топ-

тириш, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказишда, улар қалбидида эзгу гоёлари қарор топтиришда улғу бобомиз Алишер Навоийнинг боқий мероси алоҳида аҳамият касб этади.

Буюк шоир бутун ҳаёти давомида санъат аҳли, олим ва ижодкорларни ҳамisha қўллаб-қувватлаб келган. Асарлари инсонпарварлик, фидойилик, бағрикенглик, меҳр-оқибат сингари эзгу гоёларга йўғрилган шоирнинг ижоди мусиқа, мусаввирлик, ҳаттолик сингари санъат йўналишлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

— Алишер Навоийнинг уммон янглиғ мероси шоир, бастакорлар, хонандалар билан бирга, мўйқалам соҳиблари, ҳайкалтарошлар, миниатюрочи рассомлар учун ҳам битмас-туганмас илҳом манбаидир, — дейди мусаввир Темурали Саъдуллаев. — Унда улғуланган покиза туйғулар асрлар оша ижодкорлар қалбини ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келмоқда. Халқимизнинг маънавияти, юксак салоҳияти, тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибаси акс этган ушбу мерос рассомларнинг кўплаб картиналари яратилишида муҳим омил бўлган.

Бадий кўргазмада мамлакатимиз мусаввирлари ва ҳайкалтарошларининг Алишер Навоий асарлари асосида яратган ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири, Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

## Таълим

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида коллеж ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи, келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилгани, ушбу келишувлар асосида ўтган йилда 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминлангани алоҳида қайд этилди.

## БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ИШ ЖОЙИ ТАЙИН

Ҳар ҳижатдан барқамол шахсни тарбиялаш, жамият ҳаётининг турли соҳалари учун юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш — мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотларнинг пировард мақсади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури самарасида ўн икки йиллик узлуқсиз таълим тизимининг жорий этилгани, касб-хунар эгаллашда йилгит-қизларнинг қизиқиши, лаёқати, қобилияти, иқтидори, интеллектуал салоҳияти инобатга олинаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Умумий ва олий таълимни ўзаро боғлаб турган муҳим бугун — ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими реал иқтисодиётнинг турли йўналишлари учун малакали кадрларни етказиб беришда алоҳида аҳамият касб этамоқда. Бунда меҳнат бозорининг муайян ихтисосликларга талаби ҳудудлар бўйича ўрганилаётгани корхоналарнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод машинасозлик касб-хунар коллежидида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник механик, кенг ассортиментда-



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

ги кийимлар модельер-конструктори, автоматика воситалари ва назорат ўлчов асбобларини монтаж қилиш, ишлатиш ва хизмат кўрсатиш техниги, пайвандлаш жиҳозлари механиги, маиший хизмат техникаси ва касса аппаратларини таъмирлаш бўйича уста, бухгалтер, молиячи, автомобиль электр ва электрон жиҳозлари диагностикаси техниги, маиший хизмат машиналарини таъмирлаш, компьютер тармоқларини монтаж қилиш ва таъмирлаш каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади.

— Мамлакатимизда барқамол авлод таълим-тарбияси йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик ўрта махсус, касб-хунар таълими масканларининг фаолиятида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда, — дейди коллеж директорининг ўринбосари Бахтиёр Ҳасанов. — Коллежимизда саксон нафардан зиёд ўқитувчи, педагог-муҳандис, ишлаб чиқариш устаси ўқувчиларга дарс бермоқда.

Ўқув-машулотларининг сифати ва мазмунини янада яхшилаш мақсадида илгор педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Иқтисодиёт, автомобиль йўллари, педа-

гогика, молия, техника йўналишидаги олий таълим даргоҳлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Билим даргоҳида «устоз-шоғирд» йўналиши бўйича кенг кўламли иш олиб борилаётгани коллеж билан бандликка кўмаклашши марказлари, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг тобора мустаҳкамланишида, ўқувчилар амалиётни муваффақиятли ўтаб, ишга жойлашишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Машинасозлик коллежини 2011 йилда 470 дан ортиқ йилгит-қиз тамомлади ва деярли барчаси иш билан таъминланди. Улар ҳозир турли корхоналар, заводлар, автосаройлар, банк-молия муассасалари, хусусий тадбиркорлик фирмалари, тикувчилик цехларида ишламоқда.

Жорий йилда Юнусобод туманидаги машинасозлик коллежини қарийб 450 нафар ўқувчи битиради. Ҳозирга қадар уларнинг аксарияти билан коллеж ва корхоналар, автосаройлар, банк-молия муассасалари, хусусий фирмалар ўртасида уч томонлама шартномалар тузилди. Бу жараён давом этамоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

# МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

*Бу йўналишдаги ишларимиз партияимиз  
электорати манфаатига хизмат қилмоғи керак*

■ Мамлакатимиз ҳар бир кишининг ҳаёти маҳалла билан бевосита боғлиқ. Ўзини ўзи бошқаришнинг бу ноёб шакли минг йиллар давомида шаклланиб, турмуш тарзимизнинг узвий қисмига айланган. Халқимизга хос бўлган жамоавийлик, ҳашар, меҳр-оқибат, ўзаро ёрдам, кексаларга иззат, ёшларга ҳурмат, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, бошига иш тушган кишига таянч бўлиш каби қўллаб-қувватлашлар айнан маҳалла негизда сайқал топиб, шаклланиб келмоқда.

Демократик ислохотлар чуқурлашиб, фуқаролик жамияти ривожланиб бораётган сари маҳалла ҳаёти янада мустақим ўрин тутмоқда. Президент Ислам Каримов тақдир этган Концепцияда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўллаб-қувватлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда», деб алоҳида таъкидлаган. Бундан ташқари, «Юртбошимиз маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш вазифини янада кенгайтиришга жиддий эътибор бериш лозимлигини уқтирган.

Айни пайтда, Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқ. Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати асосан маҳаллада истиқомат қилади, уларнинг манфаатини таъминлашда тузилманнинг ўрни бекиёсди. Шунинг ҳисобига олиб, 2012 йил — Мустақим оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан ЎзХДП Марказий Кенгаши Ихроия қўмитасининг Хайъати «Маҳалла аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» мавзусида туркум тадбирларни йил давомида тизимли равишда амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўтказилган тадбирлардан кўзланган асосий мақсад — аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Президент фармон ва қарорлари бажарилиши, қўнунларда белгиланган меъёrlарга маҳалла фуқаролари йиғинлари қай даражада амал қилаётганини ўрганишдан иборат.

Бундан ташқари, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида маҳалла фуқаролар йиғинларига берилган имкониятлар, шарт-шароитлар юзасидан кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб бориш доимий вазибалардан биридир. Кишилари ташвишга солаётган саволларга малакали жавоб қайтариш, юзга келаятган муаммоларни бартараф этиш ҳамда аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ўрнини мустақамлашга қаратилган тақдирлар ишлаб чиқиш электоратимиз манфаатини таъминлаш

учун ниҳоятда муҳим. Олиб борилган тадбирлар натижасида аниқланган муаммоларни маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига олиб чиқиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракциясига тегишли қўнунларни такомиллаштириш юзасидан тақдирлар бериш кўзда тутилмоқда.

Белгиланган туркум тадбирларнинг биринчи босқичида бошланғич партия ташкилотлари, партияимиз туман, шаҳар кенгашлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан тегишли ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда бевосита маҳаллаларнинг ўзида давра суҳбатлари ташкил этилади. Февраль, март, апрель ойлари давомида аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳаллага берилган ҳуқуқ ва ваколатлар фуқароларга батафсил тушунтирилади. Уларнинг бу борадаги барча саволларига асосли жавоб қайтарилади.

Манзилли ижтимоий ҳимоя масаласида фуқаролар қандай муаммолар ва тўсиқларга дуч келаятгани, уларнинг сабаблари ҳамда бартараф этиш йўллари ўрганилади. Аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳалланинг ўрнини янада мустақамлаш бўйича тақдирлар ишлаб чиқилади.

Туман ва шаҳар партия кенгашлари ҳамкор ташкилотлари жалб этган ҳолда, маҳаллаларда «Энг илғор маҳалла», «Янги иш ўринлари ташкил этишга энг фаол кўмаклашаётган маҳалла», «Оилаларни мустақамлаш борасида энг ташаббускор маҳалла», «Касаначиликни ривожлантиришда энг намунали маҳалла», «Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашга энг кўп ҳисса қўшаётган маҳалла» каби номинациялар бўйича энг яхши маҳаллаларни аниқлаш ишлари олиб боради.

Маҳаллаларда ўтказилган давра суҳбатларининг яқунлари ҳамда уларда билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг таҳлиллари асосида туман ва шаҳар даражасида давра суҳбатлари ўтказилади. Унда жойларда учраётган муаммоларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилади. Аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳалланинг ўрнини янада мустақамлаш бўйича тақдирлар умулштирилиб, халқ депутатлари Кенгашлари муҳокамасига киритиш учун тегишли де-

путатлик гуруҳимизга берилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари муҳокамасига киритилиши зарур деб топилган тақдирлар, шунингдек, қўнунларга киритилиши зарур бўлган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақидаги тақдирлар юқори партия кенгашига юборилади.

Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида дастлабки босқичлар яқунлари асосида давра суҳбатлари ташкил этилади. Уларда аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳаллага берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан қай даражада фойдаланилаётгани ўрганилади ва таҳлил этилади. Аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳалланинг ўрнини янада мустақамлашга доир тақдирлар умулштирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари сессиялари муҳокамаларига киритиш учун тегишли депутатлик гуруҳига берилади. Қўнунларга киритилиши зарур бўлган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақидаги тақдирлар эса Марказий Кенгашга юборилади.

Тадбирларнинг яқуний босқичи тегишли вазирилик, идоралар ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда конференция шаклида республика миқёсида ўтказилади. Унда республиканинг барча минтақаларида ўтказилган давра суҳбатларида кўтарилган масалалар батафсил муҳокама этилади.

Барча тадбирлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Молия, Соғлиқни сақлаш вазириликлари, Давлат солиқ қўмитаси, газ-начиклик идоралари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Нуруний» жамғармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, касаба уюшмалари, шунингдек, фаолиятининг асосий йўналиши ижтимоий ҳимоя ва маҳаллалар билан боғлиқ бўлган бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида ўтиши кўзда тутилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, партия ташкилотлари томонидан олиб бориладиган ишлар маҳаллани сиёсийлаштириш ёки бошқа сиёсий партиялар билан баҳс-мунозара, сиёсат майдонига айлантириш ҳаракатидан мураккаб йироқда бўлади. Барча тадбирлар ўзаро ҳамкорлик, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаати билан бевосита боғлиқ маҳалла зиммасидаги вазибаларни ҳаётга изчиллик билан таъбиқ этиш, бу борада маҳалла фуқаролар йиғинларига ёрдам бериш, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари, дарду ташвиш билан яқин бўлиш ҳамда уларни ечишда амалий ёрдам кўрсатиш, энг муҳими, давлатимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги сиёсатини мустақамлаш, бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш руҳида олиб борилади.

Беход ШУКУРОВ

■ Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнлари фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигининг ошириши билан бевосита боғлиқдир. Эътиборли жиҳати шундаки, бугун фуқаролик бурчи ва масъулияти, атрофда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга теран назар билан қараш, туб ислохотлар ва ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси одамлар қалби ва онгидан кенг ўрин эгалламоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу масалага ўзига хос ёндашмоқда.

# СИЁСИЙ ЎҚУВ

*бугун у тингловчига нима беради?*

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан партиянинг маҳаллий ташкилотлари ҳамда фаолларнинг фикр-мулоҳазаларига тақдирлар бериш бўйича маҳаллага берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан қай даражада фойдаланилаётгани ўрганилади ва таҳлил этилади. Аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳаллага берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан қай даражада фойдаланилаётгани ўрганилади ва таҳлил этилади. Аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳаллага берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан қай даражада фойдаланилаётгани ўрганилади ва таҳлил этилади.

Ўтган давр мобайнида сиёсий семинарларни гоёвий ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтказиш учун турли интерактив шакл ва усуллардан фойдаланиш амалиёти шаклланди. Ҳар бир ўқув йили учун ЎзХДП Марказий Кенгаши Ихроия қўмитаси Хайъатининг алоҳида қарори қабул қилиниб, мавзу режалари тасдиқланади. Қарорга мувофиқ барча минтақавий, туман, шаҳар партия кенгашлари ва йирик бошланғич партия ташкилотларида ўқув йили давомида ойма-ой семинарлар ўтказиб келинади.

Ўзбекистон ХДП сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»даги гоёлар ҳамда вазибаларни ўрганиш бўйича туркум машғулотлар ўтказилади. Уларда нафақат партия доимий электорати, балки аҳоли кенг қатламининг сиёсий-ҳуқуқий онгини оширишга йўналтирилган мавзуларга эътибор қаратилмоқда.

Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан энг яхши сиёсий тайёргарликка эга фаоллардан иборат Тарғиботчи гуруҳлар тузилиб, жойларда ташкил этилаётган сиёсий семинарларга жалб этилмоқда. Сиёсий маърифий ўқувларда партия фаоллари, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, илмий ва ўқув муассасалари профессор-ўқитувчилари иштироки семинарлар муваффақиятини таъминлаётди.

Маҳаллий партия ташкилотларида ўтказилаётган сиёсий семинар машғулотлари янада қизиқарли ва жонли ўтиши учун ҳозирги лашича, бир олддан кўп вақт ўтди. Аммо ҳалигача мазкур муаммо ечими борасида ҳеч қандай жавоб йўқ. — ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонаси ҳақида нима биласиз, — деган саволимизга ҳаммадан ҳам қониқарли жавоб ололмадик. Айримлар эса «Шундай кўмакчимиз борми?», — деб сўради. Биргина шу савол-жавобларнинг ўзи ҳам туман партия кенгаши ва депутатлар қандай фаолият юритаётганини яққол кўрсатади, десак, хато қилмаймиз. Туман партия кенгаши ва депутатлар ўз масъулиятини озгина бўлса-да ҳис қилиб, куч ва имкониятлардан етарли даражада фойдаланганда эди, кенг жа-

моатчиликнинг қабулхона ҳақида тушунча ва тасавури булар эди. Эътибор беринг, туман Кенгашидаги 9 та ўринни партияимиздан сайланган депутатлар банд этган. Афсуски, улар ҳам қабулхона имкониятидан етарли даражада фойдалана олмапти...

— Тўғриси айтганда, фаолиятимиз ҳали бугунги кун талаблари даражасида эмас, — дейди ЎзХДПдан туман кенгаши депутати Хурсанд Саидов. — Камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун аввало ўзимиз ташаббус кўрсатишимиз керак. Афсуски, бу борада бизга қатъий етишмаяпти...

Савол туғилади: нима учун «қатъият» етишмаяпти? Уларга

берилади. Жумладан, ЎзХДП Қашқадарё, Хоразм, Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан ташкил этилган сиёсий семинарларда замонавий интерактив ва сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, ўқувлар мавзусини ёритишда профессионал маърузачиларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, бу минтақавий партия кенгашларининг мазкур йўналишда олиб бораётган ишларида ўзига хос ёндашуви кўриш мумкин.

Сиёсий ўқувларни юқори савияда ташкил этиш ва семинарларга тақдирлар берилган тингловчиларнинг сиёсий билимини оширишда, албатта машғулотни олиб борувчи модератор маҳорати кўп нарса боғлиқ. Шу боис, жойлардаги сиёсий ўқув-семинарлар маърузачилари ва модераторлари хизмат доирасида фойдаланишлари учун ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот услубий маркази томонидан

лик маърифати тизимидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш ва талаб даражасида ўтказиш масалаларида сузташликка йўл қўйилмоқда. Шу билан бирга партия доимий электорати ва аҳолининг кенг қатлами орасига кириш, ўтказилган семинарларни доимий мониторингини олиб боришга ҳамон эътиборсиз қараш ҳоллари учраб турибди. Демак, бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Бугунги кунда партия Марказий Кенгаши томонидан, сиёсий ўқув машғулотлари ўтказиш жараёнида орттирилган тажрибани атрофда қўлдан қўйиш ҳамда фойдаланилмаган имкониятларни тўлиқ истифода қилиш чоралари кўрилмақда. Концепцияда белгилаб берилган вазибалар асосида юртимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни электорат орасида тарғиб этишда ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари имкониятларидан тўла фойдаланиш зарур.

**Туман ва шаҳар партия кенгашлари бошланғич партия ташкилотларида сиёсий ўқув машғулотлари ўтказишга доир тавсиялар, алоҳида услубий йўриқномалар ишлаб чиқиш, ўқув машғулотларига профессионал маърузачиларни шартнома асосида жалб қилишлари, ўқувларни гоёвий-ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир.**

Ўқув машғулотлар самардорлигини янада ошириш мақсадида Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилаётган сайёр семинарлар яхши натижа бермоқда. Айниқса, юртимизнинг энг олис ҳудудларида сайёр сиёсий ўқув машғулотлари ташкил этиш тажрибасини кенг ёйиш, маҳаллий партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётган сиёсий семинарлар самардорлигини ошириш мақсадида, уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда ЎзХДПдан маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўтган йили давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепцияда белгиланган вазибаларга бағишланган туркум долзарб мавзуларга оид ЎзХДП минтақавий, туман ва шаҳар партия кенгашлари ҳамда БПТлар ва ҳудудий партия ташкилотларида ўтказилган жами 2551 та сиёсий ўқув машғулотларида қарийб 264 мингдан ортиқ тингловчи қатнашди.

Бу факт сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувлар партия аъзолари, электорат вакиллари ва кенг аҳоли орасида катта қизиқиш уйғотганидан далолат

Туман ва шаҳар партия кенгашлари бошланғич партия ташкилотларида сиёсий ўқув машғулотлари ўтказишга доир тавсиялар, алоҳида услубий йўриқномалар ишлаб чиқиш, ўқув машғулотларига профессионал маърузачиларни шартнома асосида жалб қилишлари, ўқувларни гоёвий-ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув машғулотлари ҳамда иқтисодий йўналишда ташкил этилаётган ўқувлар таъсирчанлиги ва самардорлигини ошириш юзасидан мониторинг ўтказиб бориши зарур.

Ўтган давр мобайнида сиёсий ўқувларни ташкил этиш ва ўтказиш тажрибасидан келиб чиқиб, машғулотлар замонавий усулларда ташкил этилиши, бу борада ЎзХДП МК томонидан берилган тавсияларга амал қилина сиёсий-маърифий ўқувлар таъсирчанлиги ва самардорлиги ортиб, семинарлар фуқароларимиз сиёсий-ижтимоий фаоллиги ошишига хизмат қилади.

Муборакхон ЯКУБОВА,  
ЎзХДП Марказий Кенгаши  
Ахборот-услубий  
маркази мудири.

## Ўз-ўзини танқид

# ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ БИЛАН ИШЛАШ

*электорат манфаатига хизмат қилади, аммо ЎзХДП Бойсун туман кенгаши бу масалага етарли эътибор қаратмаяпти*

■ Партияимиз маҳаллий ташкилотлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг тажрибасидан ўтган самарали воситаси ҳисобланади. У орқали фуқароларни йўналтираётган масалалар ўрганилади, муаммо ва камчиликлар бартараф этилади, одамлар оғирни енгил бўлади, партияга ишончи ортади. Шу боис, мурожаатларни вақтида қўриб чиқиш ва ечишда партия ташкилотлари ва депутатларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Аммо жойларда Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти кучайиб бораётган бир пайтда айрим маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия ташкилотлари бу масалага лоқайдалик билан қарамоқда. ЎзХДП Бой-

сун туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасидаги ахвол бунинг тасдиғидир.

Дастлаб бир масалага эътибор қаратайлик: бу ерда қабулхонанинг иш тартиби ва қабул кунлари фақат қоғоздагина

кўрсатилган. Ҳатто қабулхонага партия кенгашидан ким масъул экани ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ. Қабулга келган фуқаролар кимлиги, мурожаатларнинг мазмуни, унинг ечими юзасидан қилинган ишлар тўғрисида маълумотлар етарли эмас.

— Муаммолар атрофича ўрганилади, уларни ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотларга хат билан чиқамиз, — дейди туман партия кенгаши раиси Омон Бобоев. — Бир мисол: январь ойида Дарбанд маҳалласида истиқомат қилувчи Норой Жумақулова энергия таъминотидаги камчиликлар юзасидан бизга мурожаат қилди. Биз бу борада электр тармоқлари кор-

хонасига хат юборганмиз. Масала ижобий ҳал этилган бўлса керак!

— Тўғри, муаммолар бор, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Самадов. — Аммо бу борада партия кенгашидан хат олганимиз йўқ...

Сайроб маҳалласида истиқомат қилувчи Шамсиддин Хамидов аҳоли бандлигини таъминлашда ечимини кутаётган масалалар юзасидан қабулхонага мурожаат қилди. Унинг таъкид-

лашича, бир олддан кўп вақт ўтди. Аммо ҳалигача мазкур муаммо ечими борасида ҳеч қандай жавоб йўқ.

— ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонаси ҳақида нима биласиз, — деган саволимизга ҳаммадан ҳам қониқарли жавоб ололмадик. Айримлар эса «Шундай кўмакчимиз борми?», — деб сўради.

Биргина шу савол-жавобларнинг ўзи ҳам туман партия кенгаши ва депутатлар қандай фаолият юритаётганини яққол кўрсатади, десак, хато қилмаймиз. Туман партия кенгаши ва депутатлар ўз масъулиятини озгина бўлса-да ҳис қилиб, куч ва имкониятлардан етарли даражада фойдаланганда эди, кенг жа-

моатчиликнинг қабулхона ҳақида тушунча ва тасавури булар эди. Эътибор беринг, туман Кенгашидаги 9 та ўринни партияимиздан сайланган депутатлар банд этган. Афсуски, улар ҳам қабулхона имкониятидан етарли даражада фойдалана олмапти...

— Тўғриси айтганда, фаолиятимиз ҳали бугунги кун талаблари даражасида эмас, — дейди ЎзХДПдан туман кенгаши депутати Хурсанд Саидов. — Камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун аввало ўзимиз ташаббус кўрсатишимиз керак. Афсуски, бу борада бизга қатъий етишмаяпти...

Савол туғилади: нима учун «қатъият» етишмаяпти? Уларга

бироз тўсқинлик қилаяптими? Ёки кимдандир чўчишяптими? Йўқ, киндай эмас. Камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун ташаббус кўрсатганлардан бундан партия ҳам манфаат кўради. Ҳамма гап шундаки, партияимизнинг айрим маҳаллий кенгаш етакчилари, депутатлар Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятининг партия ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини етарли даражада тушуниб етгани йўқ. Бу қабулхоналар нима мақсадда ташкил этилгани, ўтган давр мобайнида электорат ундан қандай фойда қўрганини билган киши мазкур масалага эътиборсиз қарай олмапти.

Абдулмалик ҲАЙДАРОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Бугун Алишер Навоий таваллуд топган кун

# «АҲЛИ ФАЗЛ ВА АҲЛИ ҲУНАРГА АЛИШЕРБЕКЧА МУРАББИЙ ВА МУҚАВВИЙ МАЪЛУМ ЭМАС...»

Заҳириддин Муҳаммад Бобур мумтоз адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, фазал мулкининг султони Мир Алишер Навоийга шундай таъриф берган. Дарҳақиқат, бу нодир сиймо нафақат жаҳон адабиёти дурдоналарининг энг юксак намуналари қаторидан ўрин олган тақдорланмас асарлар яратди, балки ўша даврда мамлакатдаги беқиёс бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлди, ўз ҳисобидан масжиду мадрасалар, хонақоҳ ва шиғоҳоналар қурдирди, кўплаб илм, ижод ва ҳунар аҳлига ҳомийлик қилди, бутун умрини оддий халқ мушуқлини осон қилиш, ҳаётини фаровон қилишдек эзгу мақсадга бахш этди.



балки Мовароуннахрнинг энг машҳур табиблари ҳам тиб илми билан машғул бўлган. Бунинг учун уларга барча шароит ва имкониятлар яратилган. Бундан ташқари, муаррихлар Ҳиротдаги «Низомия», Марвадаги «Хусравия» мадрасаларини ҳам Алишер Навоий номи билан боғлашади. Навоий томонидан барпо этилган «Дорул-хуфоз» («Қорилар уйи»)да эса Курьонни тўри тиловат қилиш санъати бўйича қорилар ўртасида ўзига хос мусобақалар ўтказилган.

Алишер Навоийнинг бундай эзгу саъй-ҳаракатлари мутафаккир ҳали ҳаёт бўлган пайтдаёқ замондошлари томонидан эътироф этилган. Айниқса, Бобурнинг «Бобурнома», Ғиёсийнинг Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор» ва «Ҳабиб ус-сиёр», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоъ», Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарларида бу борада қимматли маълумотлар келтирилган.

Бобур Навоийнинг бунёдкорлик ишларини бирма-бир санамаган бўлса-да, унинг бу ибратли амалларини ўз ҳисобидан баҳарганига ишора қилади. Жумладан, Хуросон султонига ҳам баъзан моддий ёрдам бериб турганини таъ-

кидлаб, «Мирзодин нима олмас, балки йилда мирзога қуллий маблаглар пешкаш қилур эди», дея ўз фикрига далил келтиради. Шу билан бирга унинг ўша даврдаги адабий муҳит шаклланишида туганган беқиёс ўрни, ижод ва илм аҳлига кўрсатган марҳаматини эътироф этиб:

«Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Хусайн Удийким, созада саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шухрат қилдилар. Устоз Бехзод ва Шох Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай».

Бу таъриф Шайхи Нойи ва Хусайн Удий каби мусиқа усталари, Камолддин Бехзод сингари тасвирий санъат ҳамда миниатюра дарғаларининг камол топишида Навоийнинг хизматлари нақадар катта эканидан далолат беради.

Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарига ҳам Навоийнинг хайру саховати, шоғирдпешалиги, илм, адабиёт ва санъат аҳлига кўрсатган мурувватига оид нодир маълумотлар учрайди. Улар нафақат «Бобурнома»даги фикрларни бойитиши, балки «мунча бинойи хайр» ишларининг янада ёрқин ва аниқ шарҳини келтиради.

«Шундай қилиб ўша замонда халқнинг турли тоифалари ичидан фозил, беназир инсонлар чиққани унинг (Навоийнинг) саъй-ҳаракатлари туйғайди. У Мир сиёфатида шундай жиҳду жиҳд кўрсатдики, натижада катта бойлик тўпланиди, деҳқонликдан тушган кунлик даромад

ўн саккиз минг шоҳрухийни ташкил этган, ўз амирлик мансабининг барча жиҳатларини — хизматкорларни, мулозимларни, хазинани, сай-исхонани, подшоҳлик иморатларини у Султон Хусайн мирзонинг нойиби амир Бобо Алига топширган, бу ўша даврнинг буюк сипоҳларидан эди.

Мир Алишер амалдорлик ишларини йиғиштириб қўйиб, бошқа амалдорлар ва мулозимлар билан бир қаторда ўзини Султон Хусайн мирзо хизматида бағишлади. У кудрати етгунча унга ёрдам сўраб мурожаат қилган муҳтожларга, олим-фозилларга ҳомийлик қилди. Ўз мулкидан тушган барча даромадин эл-юрт фаровонлиги учун хайрия ишларига сарфлади. У хонақоҳлар, масжидлар ва бошқа иморатлар қурдирдики, уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунгача Хуросонда сақланган.

Президентимиз халқимиз маънавий дунёсининг шаклланишига фоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуг бобокалонимиз ҳақида Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони деб, деган эди. Алишер Навоийдек ўлмас сўз санъаткорининг барча асарларини мутлолаа қилиб, уларнинг маънавий қазини учун бир инсон умри камлик қилса керак, назаримизда. Шунда бу мўътабар алломанинг беқиёс бунёдкорлик ишларини ҳам амалга оширишига улгургани кишини ҳайратга солади, кўз ўнгимизда унинг улугвор сиймоси гавдаланади. Зеро, даҳоларгина мана шундай буюк ишларга қодир бўлади.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор.

Бири эрур макрумати волидайн,  
Билки мунунг қилмоқидур фарзи айн.

Бу иккинги хизматини бир бил,  
Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил.

Бошни фидо айла, ато қошига,  
Жисмини қил садқа ано бошига.

Икки жаҳонингга тиларсен фазо,  
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.

Тун-қунунга айлагани нур фош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Сўзларидин чекма қалам ташқари,  
Хатларидин қўйма қадам ташқари.

Алишер НАВОИЙ

## БАРҲАЁТ МЕРОС

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодий меросини ўрганишга бағишланган республика илмий-амалий анжуманининг 56-йиғилиши бўлиб ўтди.

Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, шоир ва ёзувчилар, ёш тадқиқотчилар, хоржий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчиҳоналари вакиллари, журналистлар, мумтоз адабиёт илосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Б.Абдуҳалимов, Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти директори Н.Маҳмудов, адабиётшунос олимлар И.Ҳаққулов, С.Ғаниева ва бошқалар улуг мутафаккирнинг бебаҳо мероси асрлар оша инсон камолотига, маънавий тафаккур тараққиётига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида жамиятимизда амалга оширилган маънавий янгиланишлар жараёнида Алишер Навоий меросини чуқур ўрганиш, унинг инсоният тараққиётида туганган ўрнини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида олиб борилаётган тадқиқотларнинг салмоқли қисми Навоийнинг барҳаёт меросини кенг тадқиқ этишга қаратилмоқда. Бундай тадқиқотлар натижасида шоирнинг 20 жиллик мукамал асарлар тўплами чоп этилди. Утган йил ушбу асарнинг электрон версияси яратилиб, интернет саҳифаларига жойлаштирилди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида яна бир янги нашр — Навоий асарларининг 10 томига китобхоналар қўлига етиб борди. Олимларимиз Навоий асарларини тилшунослик нуқтаи назардан ўрганиш бўйича салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда бу йўналишда шоир асарларининг янги изоҳли лугатини яратиш бўйича иш олиб борилаётир.

Алишер Навоий ижодий меросига хоржида ҳам қизиқиш тобора кўнаймоқда. Асарлари турли тилларга муттасил таржима қилиниб, Москва, Токио, Боку каби шаҳарларда шоирга ҳайкал ўрнатилгани бунинг далилидир.

Анжуманда Навоий ижодини ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган янги илмий тадқиқотлар, янги нашрлар, бу йўналишда йўлга қўйилган халқаро алоқаларга оид маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

# ШОИР ГАЗАЛИЁТИ

## инглизларни ҳам, бошқа халқларни ҳам мафтун этмоқда

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий бобомизнинг асарларини аслиятдан Фарбий Европа тилларига, хусусан, инглиз тилига таржима қилиш ишларига энди-энди киришилди. Чунки аруз вази инглиз халқига бегона, арузда ёзилган газалларни инглизлар қабул қилмайди, деган фикр мавжуд эди. Натижада Навоий шеърятини таржима қилишга бўлган ури-нишлар охирига етказилмади. Амалга оширилган айрим таржималар на-срий баёнга асосланди, газаллар оқ шеър бўлиб инглизча янгради.

Бугунги кунда Фарбий Европа ва Америка халқларининг Шарқ газалиётига қизиқиши тобора ортиб бораёпти. Газалнавис инглиз шоирлари пайдо бўлди. 2000 йилда АКШдаги Вейслан университети томонидан чоп этилган «Real Ghazals in English» тўпламига 150 нафардан ортиқ америкалик шоирларнинг инглизча газаллари киритилди. Бу ҳолат ўзбек таржимонлари учун Алишер Навоий асарларини бор фасоҳати ва фалсафаси билан бадиий гўзал тарзда инглиз китобхонага етказиш учун замин шаклланишидан далолатдир.

Алишер Навоийнинг дурдона газалиёти Фарбу Шарқни бирдек мафтун этиш даражасида гўзал. Ана шу бойлиқни бор рағллари билан кенг хорж аудиториясига тақдим этиш таржимонларимиз олдида турган долзарб вазифа. Шу билан бирга улардаги оҳанг ва умумий ритми ни сақлаб қолганини тадқиқ этувчи таржимануослик соҳасини ҳам уйғунликда ривожлантириб боришимиз зарур.

Фарб китобхоналарида мумтоз адабиётимизга қизиқиш бўлгани билан шу пайтгача Навоий шеърятидан инглиз тилига қилинган таржималар саноклидир. Бу йўналишдаги илк тажриба сифатида 1958 йили Москвада нашр этилган «Uzbek poetry» номи таржималар тўпламини кўрсатиш мумкин. Унда Навоий ижоди намуналари аслиятда ҳамда инглиз ва рус тилларидаги таржималари берилган. Шоир газаллари инглизчага таржимонлар Л.Кметок ва Қ.Мамуров, немис тилига Й.Парда томонидан ўйрилган.

«Шарқ» нашриётида 2000 йил чоп этилган «Уммондан дурлар. Газаллар, ҳикमतлар ва рубоийлардан намуналар» номи тўплам Навоий шеърятини хоржий ўлкаларга тарғиб қилишда навбатдаги қутлуғ қадам бўлди. Унда Навоий ижоди намуналари аслиятда ҳамда инглиз ва немис тилларидаги таржималари берилган. Шоир газаллари инглизчага таржимонлар Л.Кметок ва Қ.Мамуров, немис тилига Й.Парда томонидан ўйрилган.

2008 йилда Францияда нашр этилган

«Alisher Navoiy» Gazels тўпламига Навоийнинг ўттизта газали таржимаси киритилган бўлиб, мазкур таржималар ўзбек таржимони Муродхон Эргашев ва Жан Жакес Гате ҳамкорлигида амалга оширилган.

2009 йилда Германиянинг Фрайе университети туркологлари ташкил этган симпозиумда Берлин, Франкфурт, Халле, Лейпциг, Лондон, Майнц, Вена шаҳарларидан ташриф буюрган шарқшунос олимлар маърузалар ўқишди. Ушбу тадқиқотлар жамланган «Mir Alisir Navoiy» номи тўпламдан тўққизта мақола жой олди.

Бу ишлар Навоий шеърятини таржима қилиш ишларидаги ҳаракатнинг де-бачиси сифатида эътироф этилишига лойик. Ҳеч шубҳасиз, келажақда амалга ошириладиган таржималар ушбу тажрибага суянади. Шунинг учун ҳам бу таржималар таҳлили бўлғуси таржималарнинг сифатли чиқишига доир тавсиялар ишлаб чиқишимизда ягона манба сифатида муҳимдир.

Навоий лирикасининг жозибаси шеърини матнда бадиий санъатларнинг устакорлик билан ишлатилгани, шоир тасвирлаётган объект олами нечоғли муваффақиятли очиб берилганига боғлиқ. Бадиий санъатлар ўқувчида шеърини матндан муайян эстетик завқ олишга замин яратади. «Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърятини таржималарида адекватлик муаммолари» номи номзодлик тадқиқотини ёзиш жараёнида Навоий газалларининг инглиз, француз, немис тилларига қилинган таржималарини аслият билан қиёсладим. Тадқиқотим натижасида шундай хулосаларга келдим: мутаржимлар, асосан, шоирнинг фалсафий мазмундаги ботиний ва зоҳирий маънога эга мушоҳадалари, дунёқарашини ўқувчиларга тўлиқ етказиб беришда қийналишяпти. Чунки газаллар таржимасида бадиий образлилик ва услуб-

ни сақлаб қолиш жараёнида мисра остида яширин фалсафани тушуниш мутаржимдан муайян тайёргарлик ва тегишли билимларни талаб қилади. Аммо бугунги кунда инглиззабон таржимонлар ишига кўмак берувчи, Алишер Навоий газалларини инглиз тилига таржима қилишга қаратилган бирор инглиз тилидаги қўлланма ёки лугат йўқ. Алишер Навоий газалиётини инглиз тилига таржима қилишни жадаллаштириш учун ҳар йили фундаменталь тадқиқотлар учун берилаётган давлат грантларини ажратишда, шу соҳадаги тадқиқот-лойиҳаларга эътибор қаратилса айни муддао бўларди.

Биз Навоийни қанчалик севсак, уни қадрласак, ўзлгимизни англаган, кимларнинг вориси эканлигимизни ҳис қилган бўламиз. Ҳаётга, жамиятга бўлган муносабатимизда ҳам ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Навоийни англашни боғча ёшдан бошлаш даркор. Ҳеч эсимдан чикмайди, Навоийнинг туғилган куни икки ёшли қизим бийрон тилда «Бугун бобомиз Алишер Навоийнинг туғилган кунлари, торт пиширмайсизми?» деб айтганида кўзларимга ёш келди. Шукурки, боғчаларда ҳам буюк бобокалонларимиз ҳақида машғулотлар олиб борилапти. Жавдираб қараб турган кизалоғимга «Навоий бобомиз ёзган бирор шеърни айтиб бера оласанми, — десам мени мот қилиб: — «Ие ойижон Алишер Навоий бобомиз шеър эмас, фазал ва рубоий ёзганлар-ку», — деди ва Навоийнинг «Бошни фидо айла...» деб бошланувчи рубоийсини арузий оҳангда ўқий бошлади.

Уша кун уйимизда байрам бўлди, биз Алишер Навоийнинг туғилган кунларини нишонладик. Ҳар бир ўзбек оиласида Навоийга бўлган муҳаббат сингдирилса, унинг ҳикматлари фарзандларга гўдаклик чоғидаёқ ўқиб берилса, калбимиздаги миллий ғурур туйғуси мустаҳкамларди. Зеро, Ватанга муҳаббат, аждодлар меросига бўлган ҳурмат оилдан, ота-онанинг шу тушунчаларга бўлган муносабатидан бошланади. Болалик чоғимдан раҳматлик бобом ўқиб берган Ҳазрат Навоийнинг газаллари менда бобокалонимиз ижодига бўлган ҳурмат ва қизиқиш тушунчаларини шакллантирди. Талабалгимда Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлишим Ҳазрат Навоий олдида хизматларим ҳали бисёр эканлигини эслатиб

қўйди. Алишер Навоийга чексиз муҳаббатни қалбидида туйган ўзбек фарзанди сифатида шоир газаллариди мен ўқиганда ҳис қилаётган бадиий жилони хорж ўқувчисига ҳам шу кўринишда бепутур етказиб беришни инсоний бурчим деб биламан. Бу йўлда умрим, илмимни фидо қилишга, буюк бобомиз қолдирган сўз олдидаги маъсулятимни ҳис қилиб яшашга тайёрман. Мақсадим — дунё аҳли Навоий деганда буюк шоир ва файласуфни англасин, унинг боқий ижоди сарчашмаларидан баҳраманд бўлсин.

Гулноза ОДИЛОВА,  
Қарши давлат университети  
роман-герман тиллари факультети  
инглиз тили ва адабиёти кафедраси  
ўқитувчиси.

## БУЮК АЖДОДЛАРНИ ЁД ЭТИБ...

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар қалби ва онгида ватанпарварлик, фидоийлик, ҳалоллик сингари фазилатларни шакллантиришда улуг мутафаккир шоир Алишер Навоий маънавий мероси беқиёс аҳамиятга эга.

Ижоди жаҳон жамоатчилиги, олимлар, тадқиқотчилар, адабиётшунослар томонидан катта қизиқиш ва улкан эътибор билан ўрганилаётган бобокалонимизнинг 571 йиллик таваллуди кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг яқол тасдиғини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги томонидан мазкур санага бағишлаб мактаблар, Меҳрибонлик мактурлари, Ахборот-ресурс марказларида анжуманлар, учрашувлар, шеърят кечалари ўтказилмоқда.

Республика болалар кутубхонасида ташкил этилган ана шундай тадбирда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ёшларни буюк аждодларимизга муносиб, баркамол инсонлар этиб вояга етказиши Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган маънавий-маърифий ислохотларнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Бу жараёнда улуг аждодларимиз маънавий меросини чуқур ўрганиш, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида фозил тарғиб этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Истиклол йилларида Алишер Навоий асарларининг кўп жилдди мукамал тўпламлари нашр

этилди. Мангуликка даҳлдор асарлари умумий таълим масканлари, илмий тадқиқот институтлари, марказларда кенг ўрганилмоқда.

Халқ таълими вазирилиги томонидан жорий йилнинг 20 январидан 20 февралгача мамлакатимиздаги барча умумий ўрта таълим мактабларида «Буюк аждодларни ёд этиб...» мавзусида адабиёт байрамлари ўтказилмоқда. Унда Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, фаолияти, ижодий меросининг аҳамияти ёшларга атрофлича тушунтирилмоқда. Ўқувчилар учун ўзбек, рус, инглиз, немис ва француз тилларида ўтказилган «Навоий ва Бобур ижодини ўрганиш» мавзусида ижодий ишлар кўриқ-танови ёш авлоднинг билим ва савиясини кенгайтириш, дунёқарашини янада бойитишга хизмат қилади.

— Кутубхонамизнинг адабиёт фойдалари 220 миңдан ортиқ нашрдан иборат, — дейди Республика болалар кутубхонаси директори Дониёр Уролов. — Алломаларимизнинг ижодини ёшлар ўртасида тарғиб ва ташвиқ этиш мақсадида мушоиралар, ижодий учрашувлар, интеллектуал викториналар ўтказилиши яхши аънамага айланган. Айни пайтда кутубхона фаолиятини автоматлаштириш жараёнида Навоий газал ва рубоийларининг электрон версиясини яратиш бўйича иш олиб боришмоқда. Бу эса адабий-маънавий меросимизни ўрганишда ўқувчи-ёшларга янада кенг имкониятлар яратади.

Кечада ўқувчилар томонидан тайёрланган бадиий-муслиқий дастур намойиш этилди, Навоий газалларидан намуналар ўқилди.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ.



Хориж

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ

## экологик тоза манба

Германия маъмурияти ўтган йил 11 мартда Японияда юз берган кучли zilzila ва цунами оқибатида Япониянинг Фукусима музофотидаги «Фукусима-1» атом электр станциясида содир бўлган халокатдан тўғри хулоса чиқарган ҳолда Германиядаги барча атом электр станцияларидан воз кетишга қарор қилганлиги кўпчиликка маълум. Айнаан АЭС-лардан воз кетиш ва янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг ўзига мамлакат 2030 йилгача 1,7 триллион евро миқдорда маблағ сарфларкан.



Шу боис кўшни Австрия энергетика ёрдамида электр узатишдаги муаммолар бартараф этилади. Бу борада келишувларга эришилган. Масалан, ўтган йилнинг 8 ва 9 декабрь кунларида Австриянинг электр станцияларидан қўшимча энергия олишга мажбур бўлинган.

Яқин йилларда Германия хукумати шомол генераторлари электр станцияларининг 40 та паркларини яратишга бел боғланган. Уларнинг 30 таси Швиммерденга, 10 таси эса Болтиқ денгизига қурилади. Бу денгизларда йил давомида шомол эсиб туради. Шомолнинг тезлиги ўрта ҳисобда сониясига 5 метрни ташкил этади.

Шунингдек, мамлакатда нисбатан арзонроқ ва экологик тоза ҳисобланадиган табиий газ ёрдамида ишловчи 30 та иссиқлик электр станцияси қуриш ҳам режалаштирилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, кўмир билан ишловчи электр станциялари 1 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун атмосферага 800 грамм карбонат ангидрид чиқаради. Бу табиий газда ишловчи иссиқлик электр станцияларининг атроф-муҳитга юзага келиши мумкинлиги назарда тутилган.

# ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР

## бир йил аввал якунланади

АҚШ Мудофаа вазири Леон Панетта баёнот бердики, Афғонистондаги ҳарбий операцияларда иштирок этётган Америка армияси ва бошқа иттифоқчи кучлар аввал келишигандек 2014 йил охирида эмас, балки бир йил аввал — 2013 йил охиригача ҳарбий ҳаракатларни якунлаши ва мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши режалаштирилмоқда.



Оқ уй маъмурияти эса Мудофаа вазириликнинг бу режаси батамом яқиний гап бўлмаслиги мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Негаки, НАТОга аъзо мамлакатлар айнан шу масалани жорий йилнинг май ойида Чикагода ўтказилган саммитда ҳам муҳокама қилдилар.

# 25 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР

## интернетдан кўп фойдаланади

«The Royal Pingdom» таҳлил компанияси ўтказган глобал тадқиқот натижалари шундан далолат бермоқдаки, 2011 йилда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони дунё бўйича 2,1 миллиард кишини ташкил этган.



Уларни қиьталар бўйича таҳлил қиладиган бўлса, Осиё биринчи ўринда эканлигига ўзини ҳам ишонч ҳосил қилди: 44 фоиз. Европада эса интернетдан фойдаланувчилар 23 фоиз бўлгани ҳолда Шимол Америкада бу кўрсаткич 13 фоизни ташкил этган. Лотин Америкасида 10 фоиз. Африка, Яқин Шарқ ва Австралиядаги ҳолат эса 6, 3 ва 1 фоиздан ортмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, интернетдан фойдаланувчиларнинг асосий қисmini 25 ёшгача бўлганлар ташкил қилади.

Агар мамлакатлар бўйича энг кўп интернетдан фойдаланувчиларга назар ташлайдиган бўлсак, Хитой етакчилигини кўлдан бермай келаётганда, биргина ўтган йилнинг ўзида 300 миллионга яқин янги веб-сайт очилган.

# «Олтин қалам» танловига ОИЛА ИҚТИСОДИ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида ўтган йил якунлари ва 2012 йилдаги мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига бағишланиб ўтказилган йиғилишда кўтарилган муҳим масалалардан бири, бу — оила ва унинг тараққиёти билан боғлиқ бўлди. Шу маънода, қуйида тараққиётимиз асоси бўлган оила, унинг иқтисодий жиҳатларига баҳоли қудрат назар ташланади.

### Яқин ўтмишда ОИЛАЛАР АҲВОЛИ

Мустақилликка бўлган даврда оиланинг турмуш тарзи, иқтисодий аҳволи қандай эди? Аввало, ўша даврдаги хусусий уй-жойлар билан бугунгисининг кўриниши, шароитини қиёсلاб кўрайлик... Ақсарияти, чўпдан, паҳса девордан иборат, кўримсиз, ҳеч қандай қулайликка эга бўлмаган уйлар билан бугунги замонавий уйлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Яқин ўтмишда ёшдан уй қурган, томини шифер билан ёпганлар зугумга олинар, тергов қилинади. Камбағалчилик, ночор ҳаёт олдиди турмуш тарзига айланб қолган эди.

Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарига ўша давр манзараси аниқ тасвирланган: «Статистиканинг кўрсатишича, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмабдиган 8 миллион 800 мингга яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 фоизини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги пайтда кун кечириб унун камида 85 сўм зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак, ана шунда одамлар қандай қийинчилик билан, учма-уч яшаб келётганига ўзингиз баҳо беришингиз мумкин».

Мажбур вазиятни теран англаган Юртбошимиз аввало оилаларни мақсадли ва изчил кўлаб-қувватлаш тизимини шакллантирди. Кам таъминланган оилалар томонидан даромад олиши кўзда тутилди, уларга ер улашилди. 1989 йил 17 августда «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорка билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» тарихий қарор қабул қилинди. У минглаб, юз минглаб одамлар тақдирини буриштирди, десак, муболаға бўлмайди.

Тўғрида, одамзод, аввало, яшаши учун бошланса, уй-жой керак. Рўзғори, дастурхони бут бўлиши лозим. Мана шу икки ҳолатнинг ўзиёқ, ўша даврда ушбу қарорнинг қанчалик муҳимлигини билдиради эди. Бундай яратилган шароит одамларни ҳаётга бошқача кўз билан қарашига ундади. Уларда ерга эгаллик туйғусини, ҳўжалик юритиш малакасини шаклланишига замин яратиб, турмуш даражасининг ошишига хизмат қилди.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида оилалар иқтисодий фаолият йўналишлари кенгайиб, хусусий бизнес ва яқка тартибдаги тадбиркорлик, кейинчалик, касаначилик ривож топди. Бунинг барчаси оилани ижтимоий ҳимоя қилди, оила имкониятининг янги қирраларини очди.

Олиб боришдан изчил саъй-ҳаракатлар туфайли муайян бир оила даромади иш ҳақи, нафақа, стипендия, мулк-

дан келадиган фойда, дивиденд, ижара ҳақи, томорқадан тушган пул каби манбалардан таркиб топди. Бу эса, табиийки, кишиларнинг қонуний йўл билан бадавлат бўлишига, яхши яшаш учун интилишига замин яратди. Оқибатда бутун жамиятда умумийиқтисодий ўсишга эришилди.

Шундай қилиб, жамиятнинг қувват олиши оилалар бой бўлишидан бошланди. Натижада, Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз иқтисодий тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган ва миллий манфаатларга хизмат қилувчи ҳақиқий ватанпарвар мулкдорлар синфи шаклланди. «Энг муҳим вазифа — халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш, деган эди давлатимиз раҳбари. Бу жамият пайдевори, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади».

### ОИЛА — БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ

Ҳаётда таққослаш деган мезон мажбур. Аниқ далилларга асосланган мисоллар ҳеч қандай исбот талаб этмайди. Мамлакатимизда 1990-2010 йилларда оила даромад ва ҳаракатлари қандай бўлган? Узгаришлар таҳлилига мурожаат қилсак.

Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), харид қобилияти паритети (ХҚП) асосида ҳисобланганда, даромад 1990 йил 1328 АҚШ долларини, 2000 йил — 1431, 2010 йил эса 3271 АҚШ долларини ташкил этди. Ёки бошқача айтганда, ислохотлар даврида бу кўрсаткич 1990 йилга нисбатан 2,5 баробарга ошди.

Ёки бўлмаса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадларини ХҚП бўйича кўриб чиқайлик. У 2010 йил 2016,8 АҚШ долларини ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса (ХҚП асосида), 2010 йил охирида 1162,6 АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, бу борада олиб боришдан узлуксиз ўзгаришлар натижасида 2010 йил 1990 йилга нисбатан АҚШ доллари эквивалентини 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошиши таъминланди.

Бундан ташқари, 1990-2010 йиллар давомида аҳолининг ялпи даромади, аниқ ҳисоб-китоб бўйича 8,6 баробар ошди. Бу, аввало, ўтган давр ичиди оила даромадлари таркибида ижобий ўзгариш, яъни янги турдаги даромадлар ҳиссаси кўпайиши туфайли бўлди. Чунки бундай турдаги даромадлар улushi оиланинг ялпи даромади ҳажмида, 1990 йил бор-йўғи 10 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилга келиб, 47 фоизни ташкил этди.

Бу кўрсаткичлар ўз йўли билан, аммо шу тариха оилалар даромади ўртасидаги кескин тафовут юзага келишининг олди олинди. Экспертлар хулосасига

кўра, 1990 йил ўртача даромадга эга бўлган қатлам аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йил — 24 фоизга, 2010 йил эса — 60 фоизга етди. Улар ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга. Демак, ушбу рақамлар ортда, ўзимизга хос тараққиёт модели ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тамойилининг амалий ифодаси ётибди, дейишга бемалол асос бор.

Яна бир муҳим жиҳат. Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда қайд этилганидек, кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни кўлаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициентини 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқартирди. Шуниси эътиборлики, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор жаҳоннинг илғор давлатлари ўртасида ҳам бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Бундай барқарор янгиликлар, ўз навбатида, аҳоли ялпи истеъмол ҳаражатлар таркибида ҳам ижобий ўзгариш бўлишига замин яратди. Маълумки, аҳоли жамғарма маблағлари истеъмол бюджетининг таркибий қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда 1995 йилдан бошлаб аҳоли омонатлари ҳажми барқарор ортиб борди. Кейинги ўн йил ичиди бу кўрсаткич 28,6 баробар ошди.

Шу ўринда эътиборимизни яна Вазирлар Маҳкамасидаги маърузага қаратайлик. Унда аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортганилиги таҳлил қилиниб, банкларга қўйилган аҳоли депозитлари биргина 2011 йилда 18 триллион сўмдан ортиқ экани, бу 2010 йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилинган, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани таъкидланди.

Яна шуниси эътиборлики, ислохотлар даврида ёш оилаларни имтиёзли уй-жой билан таъминлаш тизими шаклланди, шу билан бирга, қишлоқларнинг замонавий қиёфаси яратилиб, қишлоқ инфратузилмаси такомиллашувига эришилди. Бу соҳага давлат бюджетига ҳисобидан жуда катта маблағ ажратилган, ҳеч кимга сир эмас.

Маърузада таъкидланганидек, қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг қўламли дастур амалга оширилди, бошлангандан буён, яъни сўнгги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлганлиги фикримизнинг исботидир.

Ушбу кўрсаткичларни келтиришдан асл мақсад, бугунги фаровон турмушчилик, оилаларимиз бутлиги айнан бу борада бир вақтлар шижоат ва умид билан бошлаган янгиликлар, сайё-ҳаракатларимизнинг амалий натижаси эканини яна бир мартаба ёдга олишдир. Чунки, ҳеч бир нарса ўз-ўзидан бўлмаган, бу ютуқлар осмондан тушган эмас! **ТУШУМГА ҚАРАБ ҲАРАЖАТ...**

Халқимиз, «даромадга қараб бурмоқ», дейди. Шундай экан, ҳар бир оила ўз бюджетини режалаштириб бориши бозор иқтисодиётининг қатъий

талабидир. Афсуски, кўпчилик оила эгалари рўзгор тутиш, яъни оила ҳўжалиги даромади ва ҳаражатини режалаштиришга етарли эътибор қилмайди. Аслида эса, бозор муносабатлари талаб ва қоидаларига иқтисослашган оила барқарор бўлади.

Табиийки, барча ҳатти-ҳаракат оила аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилади, бунда энг зарур эҳтиёж биринчи навбатда инobat-га олинади. Шунингдек, оила даромадлари ва ҳаражатлари мутаносиблигини топиш билан харжлашнинг бери-бирига мувофиқлиги алоҳида аҳамиятга эга. Айтилган тамойиллар оиланинг мустаҳкам ва аҳил-иттифоқ бўлишини, фаровонлиги охиб боришини таъминлайди. Оиланинг иқтисодий жиҳатларидан яна бири шуки, билимли, ҳунарли, ўз касбининг устаси бўлган йигит-қизлар оила даромадини кўпайтиради, оила янада тўқис ва бой бўлишига замин яратлади. Бундан оиланинг имкониятлари ҳам кенгайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Маърузада таъкидланганидек, биргина 2012 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилгани бу борадаги ишлар янги поғонага кўтарилганини кўрсатади.

### ОИЛАВИЙ ТЕЖАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Бир қадрдоним давраларда: «Одам ботмонлаб топиб, мисқоллаб сарфлаш керак», деган гапни кўп тасвирлайди. Аслида ҳозир ҳаракат қилган яхши топаётти, лекин шуни мақсадли ва режалаштириш қай даражада биламиз? Бу масалага кўпчилигимиз лоқайд қараймиз. Тўй-ҳашамга кетаётган маблағнинг чек-чеғараси йўқ. Кўпинча ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўямиз. Ваҳоланки, бозор муносабатларига мос ва мувофиқлик ҳар бир сўмдан фойдаланиш коэффициенти қанчалик юқори эканига қараб белги-ланади. Биз оила даромади ва ҳаражатини рационал режалаштириш олган тақдирдагина рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида муносиб яшаш имконига эга бўламиз. Тараққиёт биздан мажбур молиявий, иқтисодий ва энергетик ресурслардан, инсон омилидан тежамкорлик билан фойдаланишни талаб этмоқда. Бугун бошқача яшаб бўлмайди. Даромад топишда ҳам, топишган маблағни сарфлашда ҳам ақл-идрок керак.

Яна бир муҳим масала — электр ва табиий газдан фойдаланишдаги исрофгарчилик кишини ўйга толдиради. Оилаларда компьютер, кондиционер, телевизор ва бошқа ускуналар кундан-кунга кўпаймоқда. Улар электр қуввати билан ишлайди. Афсуски, электр қуввати ёки газдан фойдаланишдаги ҳўжасизлик оқибатида оила бюджетини сезиларли зарар қўради. Баъзан эса қардорлик пайдо бўлиб, оилага ташвиш ортиради.

Ҳаётини хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир оиланинг рўзғори бутлиги, иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан тежамкорликка боғлиқ. Тежамкор оила фаровонлиги эса жамият тараққиётига хизмат қилади.

**Обиддин МАҲМУДОВ,**  
иқтисод фанлари номзоди.

### Таълим

# КОЛЛЕЖДАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежининг бир неча ўқувчилари «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари ўртасида ўтказилаётган танловнинг финалида иштирок этди. Синовдан муваффақиятли ўтган йигит-қизлар корхона ва коллеж билан уч томонлама шартнома тузди.

— Коллежимиз 1998 йилда ташкил топган, — дейди ушбу таълим муассасаси директори Қобул Йўлдошев. — Бу ерда ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларига мувофиқ, учинчипантратлари ва авиавазителарни таъминлаш, ҳаво кемалари ҳамда авиадвигателлари, ҳаво кемаларнинг радиопроборлари, радио ва электр ускуналарини техник эксплуатация қилиш, санаот корхоналари машинасозлиги технологиялари, пайвандланган конструкцияларни ишлаб чиқариш, компьютер тармоқларини монтаж қилиш, ишга тушириш ҳамда улардан фойдаланиш, бухгалтерлик ҳисоби, менежмент, турли хилдаги қийимларни моделлаштириш ва лойихалаштириш каби 10 йўналиш бўйича 3 йил таълим олади. Айни пайтда коллежда 1500 нафар йигит-қиз ўз танлаган касблари бўйича ўқимокда ва амалий кўникмаларни кунт билан эгалламоқда.

Бу ердаги мажбур шарт-шароит, мустаҳкам моддий-техник база малакали кадрлар тайёрлаш имконини бермоқда ва бу уларнинг ишга жойлаштирилиши анча енгиллаштирмоқда. Коллеждаги иккита ўқув корпусида ўқув-ишлаб чиқариш устакхоналари, тренажёр зали, 1000 мингдан зиёд нусхадаги дарслик ва бошқа адабиётларни ўз ичига олган ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Замонавий компьютер залида ўқувчилар зарур ахборот маҳсулотлари билан танишиш ва ишлаш имконига эга.

Битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва кейинчалик уларни

ўша жойда иш билан таъминлаш, «корхона-коллеж» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, коллеж ўқувчиларини аниқ иш жойига бириктириш бугунги кундаги муҳим вазифалардандир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, ўқувчилар учун келажақдаги иш жойида амалиёт ўташини ташкил этишга доир долзарб вазифалар белгилаб берилди. Бу борада муайян корхона ва иш берувчиларни касб-ҳунар коллежларига бириктириш, мунтазам фаолият кўрсатадиган «корхона-коллеж» ҳамкорлигини ташкил қилишни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш борасидаги ишлар эътиборга сазовор.

Коллеж раҳбарияти шу мақсадда ўз ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун истиқболли корхоналарни топиш ва икки томонлама шартномалар тузишга катта эътибор қаратмоқда. Агарда ўқувчи ўзининг амалий ва назарий билимлари, иш қобилияти ва салоҳиятини кўрсата олса, корхона билан уч томонлама шартнома тузиш имконига эга бўлади. Мазкур ўқув йилида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган 470 битирувчининг 300 нафардан ортиги билан ана шундай шартномалар тузилди.

— Мен ўзим танлаган касб бўйича

ишламоқчиман, — дейди 3-босқич талабаси Муроджон Аъзамов. — Металл билан ишлаш, ундан конструкция ва деталлар тайёрлашга қизиқаман. Айни пайтда «Тошкент кувуз заводи» қўшма корхонаси маъсулияти чекланган жамиятида амалиёт ўтамоқдаман ва кейинчалик шу корхонада ишлаш ниятим бор. Махсус кийим билан таъминлашди, иш ҳақи ҳам оила бошланди. Амаллиёт пайтида ўз қобилиятимни намойиш этганим боис бўлса керак, шу ерда доимий иш тақлиф қилишди.

Коллежда 88 нафар юқори малакали ўқитувчи йигит-қизларга сабоқ бермоқда. Уларнинг 22 нафари ишлаб чиқариш усталаридир.

— Амалий машғулотлар таълим жараёнининг муҳим таркибий қисмидир, чунки ушбу босқичда назария амалиёт билан уйғунлашди, — дейди катта уста Раҳмон Исанов. — Ҳар бир ўқувчи ускуналар ва дастгоҳда ишлаш кўникмасига эга бўлиши лозим. Бунинг учун коллежизда ишлаб чиқариш устакхоналари мавжуд. Металлга ишлов бериш учун бир қанча турдаги дастгоҳлар, компьютер техникаси, лаборатория ҳамда ҳайвандлаш ускуналари сотиб олдик ва ҳозирги кунда ёшларни юқори даражада ўқитиш имконига эгамиз. Энди битирувчиларимиз ишлаб чиқариш корхонасига ишга борганда, замонавий ускуналарни бемалол ишлата олади.

Ўқув давомида лабораториялар ҳам катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар уларда турли тизим ва қурilmаларнинг ишлаш тартиби билан танишади, ўқув хоналарида эса ҳаво кемаларининг айрим узел ва деталлари акс эттирилган электр стендлар мавжуд.

Коллежда ўқувчилар электр техникаси, материалшунослик, техник механика каби умумтаълим ва умумтехник фанлар, шунингдек, махсус фанлар

бўйича билим олмақда. Ҳар бир ўқувчи ишга киришишдан аввал техника хавфсизлиги бўйича кўрсатмалар олиши, иш жойи билан танишиши лозим. Уларга жамоада ҳамжиҳат бўлиб ишлаш кўникмалари таъминланди.

Коллеж жамоаси ўз усталари билан фахрланади. Масалан, Жамол Эшмиров 2010 йилда металлга ишлов бериш бўйича ўтказилган республика танловини «Энг яхши ишлаб чиқариш таълими устаси» деб топилди ва биринчи ўринни эгаллади.

— Мен «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан ўтказилаётган танловда иштирок этишман, — дейди 3-босқич талабаси Собижон Каримов. — Икки босқичдан муваффақиятли ўтдим ва мен билан уч томонлама шартнома тузилди. Амалиётни ушбу қўшма корхонада ўтайман ва бунинг учун менга мураббий бириктирилди. Корхонада назарий материалларни янада пухта ўзлаштириш учун ўқув хонаси ташкил этилган бўлиб, бу ерда ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ёрдам бериш мақсадида корхонанинг тажрибали ходимлари маърузалар ўқимокда, бизга «Устоз-шогирд» услуби бўйича ўз билим ва тажрибасини ўргатмоқда.

Таъкидлаш керакки, бу йўналишдаги ишлар мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида алоҳида ўрин тутадиган барча коллежларда амалга оширилмоқда. Ўрта махсус таълим муассасалари томонидан ёшларни касбга йўналтириш, ўқувчиларнинг малакасини узлуксиз ошириб боришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Зеро, малакали кадрларни тайёрлаш барчага — коллежга ҳам, корхонага ҳам, ўқувчининг ўзига ҳам фақат фойда келтиради.

**Р.БОНДАРЧУК,**  
ЎЗА муҳбири.

Хуқуқий тарғибот

■ Конституциямизнинг 63-моддасида «Оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хуқуқига эга», деб белгилаб қўйилган. Эътиборли томони, хуқуқий меъёрлар орасида ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги бурчлари (64-модда) ва бошқа давлатлардагидан фарқи равишда воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги тўғрисидаги (66-модда) гоёлар қонуни мустақамлаб қўйилган. Бу эса миллий қадриятларимизнинг умуминсоний аҳамиятидан далолат беради.

# ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Миллат тарбияси — бола тарбиясидан бошланади. Тарбия эса, аввало, оилада шаклланади. Давлатимиз раҳбари жорий йилни Мустақам оила йили деб эълон қилиши замирида жуда катта мақсадлар ётибди. Оила жамиятнинг, давлатнинг таянч тоғидир.

Шу маънода Мустақам оила йили давомида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар оз эмас. Маълумки, оила курадиган ёшларнинг тарбияси, ақл-заковати ва маънавий фазилатлари, айниқса, жамият олдидаги бурч ва масъулиятини чуқур англаб етиши эртанги кунимиз қандай бўлишини белгилаб беради. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари ёш оилаларни моддий-маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиш бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, оила мустақамлигининг муҳим омилларидан бири, бу — хуқуқий маданиятни юксалтириш, уни назарий ва амалий мустақамлашдир. Вилоят адлия бошқармаси тизимидаги ФХДБ бўлимлари мутахассислари билан иш режаларини тузар эканмиш, катта умид билан ҳаётга қадам қўётган ёшларнинг нафақат жисмонан, айни вақтда маънаван етук бўлиши учун фойдали усуллари қўллашга эътибор қаратдик. Азалдан никоҳ оила асо-

си ҳисобланган. Никоҳ билан боғлиқ анъана ва урф-одатларимиз ўзига хос чуқур мазмунга эга. Аммо баъзан ёшлар орасида никоҳдан ўтишдек мўътабар жараёнга энгил-елпи ёндашадиганлар учраб туради.

**Кўп жойларда ортиқча дабдабозлик, исрофгарчиликдан иборат харажатлар, мантиқсиз расм-русумлар ҳамон давом этаётганидан ҳам кўз юмуб бўлмайди. Бу масалада ота-оналарнинг, маҳалла-қўй ва албатта, ФХДБ бўлимларининг кучли таъсири бўлиши зарур. Мана шу сарф-харажатлар икки ёш ва янги оила оёққа туриб олишга сарфланса, янги эмасми?!**

Оилада тарбиянинг қалини — аёлнинг қўлида. Айниқса, бугун миллий табиатимизга мутлақо зид бўлган

бузғунчи гоёларнинг зарарли таъсиридан ёшларни асрашда, соғлом ва маънавий олами бой йигит-қизларни тарбиялашда онанинг табиат ато этган салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарур. Биз шу масалалар ташвиқотига ургу бераёғимиз. Тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириш учун сиёсий партиялар билан ҳамкорликни кучайтираёғимиз. ЎзХДП вилоят кенгашининг «Фаол аёллар» қаноти билан ҳамкорликда қишлоқ ва маҳаллаларда «Хуқуқий сабоқ соатлари» ўтказишни йўлга қўйдик. Бунда аҳолига Мустақам оила йилига оид ҳамда яқунланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида амалга оширилган вазифаларга доир хуқуқий маслаҳатлар бериш кўзда тутилган.

Янгиланаётган жамиятимизда фуқароларнинг хуқуқий саводхонлик даражаси қанчалик муҳим ўрин тутади, халқимизнинг яратувчанлик салоҳиятини юксалтириш, яъни иқтисодий билим ҳамда маънавий қамолот масалалари ҳам шу қадар зарур. Бу эса ўз-ўзини оилада соғлом муҳит қарор топишига боғлиқ. Шу маънода, оилалар ва маҳалла даврасида хуқуқий саводхонлик тадбирларини кучайтириш янги самара бериши шубҳасиз.

**Кобирона ТАЛАПОВА, Наманган вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.**

Илмий-амалий конференция

# ОАВ: ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР

мамлакатимизда сўз эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш хуқуқини мустақамлашга, демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади

■ Мамлакатимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар атрофда ва дунёда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Жумладан, Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда ҳам ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг қонуний асосларини мустақамлаш, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган. Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»-ги қарори юқоридagi Концепцияда қўйилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги муҳим амалий ишлардан бири бўлди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Оммавий ахборот воситаларида бериладиган қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар — ахборот соҳаси бозор муносабатларини жорий этишнинг муҳим омилли» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Давлат божхона ҳамда солиқ қўмиталари, Матбуот ва ахборот агентлиги, фуқаролик институтлари масъул ходимлари ҳамда марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги қароридан белгиланган оммавий ахборот воситалари, нашриёт,

матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлари янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар ҳамда омилларни яратиш, шу асосида оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ахборот соҳасини ривожлантиришдаги ролини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш каби масалалар муҳокама этилди.

Анжумани кириш сўз билан очган Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинликлари ҳамда хуқуқларини таъминлаш — Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг асосини ташкил этади, деди. Шунингдек, у давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори мамлакатимизда ахборот соҳасини янада ислоҳ қилиш ва Концепцияда тақдим қилинган қўшимча мақсадларни амалга ошириш мақсадида сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларига қўрсатилган улкан эътиборнинг наватбадга ёрқин наъмунаси эканлигини таъкидлади. Газета-журналлар, китоб маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисослашган тахририёт ва нашриётлар, телерадиоэшитириш компаниялари ҳамда полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш воситалари, ускуналар божхона тўловлардан беш йил мuddат озод этилгани ва ўз ОАВнинг иқтисодий имкониятлари кенгайтиришга, ададининг қўлайлиги, ишлаб чиқариш таннархининг эса



пайшайишига хизмат қилиши тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллиги энг аввало, уларнинг иқтисодий имкониятига боғлиқлигини таъкидлади. Шунингдек, Президентимизнинг қароридан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлари янада ривожлантириш, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш мақсадида қатор қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериладиган ўз навбатида журналистлар масъулиятини оширишни таъкидлади. ОАВ ходимлари бу эътибор ва ғамхўрликка жавобан янада ғайрат билан меҳнат қилишлари, ўз билим ва малакаларини ошириб беришлари зарурлиги ҳақида тўхтади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори ўринбосари Рўзмет Сафоев Юртбошимизнинг ушбу қарори барча медиа тузилмалар, нашриёт, полиграфия корхоналари, матбуот тарқатувчи корхоналари ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат-

чилик назоратини ўрнатилганда меҳнат иштирокини тобора кучайтиришда яна бир муҳим қадам бўлганини айтиб ўтди. Шу билан бирга мазкур қарорнинг ижросини жиждий назорат қилиш, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги ҳақида ўз тақлифларини билдирди.

Шунингдек, Давлат божхона қўмитаси божхона тарифларини тартибга солиш ва тўловлар ҳисобини юритиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи С.Авезов, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси директори ўринбосари Ш.Абдикаримов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистона» газеталари Бош муҳаррири С.Остонов ва бошқалар мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Илмий-амалий конференция якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш борасида келишиб олинди. Бундан ташқари, анжуман доирасида маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси иштирокида амалий семинар ўтказилди. Унда вилоятлардаги босма оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. **Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

Мулоҳаза учун мавзу

# ТҲҲХОНА:

хизмат кўрсатиш шохобчасими ёки дабдабозлик маскани?

■ Юртимизда сўнгги йилларда тўйларни тартибли, камчиқин қилиб ўтказишда тўйхона мезбон вазифасини ўтай бошлади. Бу янгилик шаҳарлардан энг чекка қишлоқларга тез фурсатда кириб боргани қувонарли. Шундан, қишлоқларда ҳам тадбиркор мулкдорлар тўйхоналар қуришмоқда. Республикаимизнинг чекка ҳудуди — Хоразмда ҳам деярли ҳар ҳафта — ойда қайсидир қишлоқда янги, замонавий тўйхона бунёд этилгани ҳақидаги хабарни эшитиб қоламиз.

Тўйхона қўлайлик. Энг аввало ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам бемалол тўй ўтказиш мумкин. Қолаверса, қозон, ўчоқ, стол-стул, идиш-товоқ кўтариб юрмайсиз. Бу нарсаларнинг ҳаммаси тўйхонада бор. Пулни тўлайсан-да бемалол меҳмон кутаверсан.

Ҳар қандай янгилик, тараққиёт ўзига хос муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Буни вақтда бартараф этиш, ушбу масалага мутасадди ташкилотлар, маҳаллий ҳокимиятлар, жамоатчилик эътиборини қаратиш вазиятини тўғри, яъни томонга ўзгартиришни таъминлайди. Хуллас, бугунги мақолаимиз тўйхоналар ва уларнинг баъзиларида учраётган камчиқиллар, муаммолар ҳақида.

«Хазораспик бир ошнаимиз неварасининг суннат тўйига айтиди. Шу кичикроқ тадбирни тўйхонада ўтказишни режалаштирибди. Демак, тартибли, ихчам ўтади. Меҳмонлар айтилган вақтда келишади, эрта тонгдан ҳуфтонгача эшигини қоқиб юришмайди.

Қишлоқ марказидаги тўйхонага бордик. Узоқдан келган меҳмон деб сийлаб, тўрга ўтказишди. Тўйхонанинг «тўри» қаторлаштириб қўйилган столларнинг энг юқорисида — девор тагида эди. Хали барча меҳмон-

лар келиб улгуришмагани учун шу «тўр»га ўтишимиз осон кечди. Аммо қачонки, иззатимиз битиб, кетиш тараддудига тушиб, мезбонга узримизни билдирдик... сўнг тортган хижолатимизни айтинг. Столлар зич қўйилган, икки томондаги қатор стуллар бир-бирига «елка» суяшиб турибди. «Тўр»даги азиз меҳмонга рухсат бериш учун «пойгак»ка доғур бемалол ўтирган бирор қирқ меҳмонни ўрнидан қўзғашга тўғри келди.

Бизнинг хижолат бўлганимизни сезиб, мезбон узрини айтиди. — Тўйхона олти юз ўринга мўлжалланган. Шунга стол-стуллар зич қўйилган. Тўйхона эгасига қўлайликдан кўра ҳар меҳмон бошига оладиган ҳақи муҳимроқ. Бугунги тўйга уч юз кишини тақлиф қилганман. Аммо олти юз ўрин учун ҳақ тўлашим шарт. Майли айтган пунингизни берай, фақат ортиқча стол-стулларни ташқарига чиқариб қўяйлик, меҳмонлар бемалол ўтирсинлар, десам тўйхона эгаси рози бўлмади. — Бир кунлик тўй деб интеръерни бузайми, — дейди у.

Бугунги кунда замонавий тўйхоналардаги «уринлар сонини ошириш» масаласи билан боғлиқ бир қатор муаммолар юзга келмоқда.

...Яқинда Урганч шаҳрида бир

ярим минг кишилик янги, замонавий тўйхона иш бошлагани ҳақида маҳаллий телевидениеда роса рақлама беришди. Бир ярим минг меҳмон-а?! Яна ҳар бир ўрин учун тўрт минг сўмдан «тўйхона ҳақи» олиншини айтинг.

Тўй эгаси кўпи билан уч соат давом этадиган тўйда олти миллион сўм пулни тўйхоначига санаб бериши керак! Юртбошимизнинг тўйларни дабдабозлик, камчиқин, тартиб-

ли ўтказиш борасидаги фармониди, маҳалла оқсоқоллари, фуқаролар йиғинлари раислари зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган.

**Саъдулла ҚОЛИЧЕВ, ЎзХДП фаоли, туман Кенгаши депутати, Фермер:**

— Халқимизда «Оз бўлсин, соз бўлсин!» деган нақл бор. Бу қимматли гап тўйларимизга ҳам тааллуқли. Аммо ким ўзарга тўй бериш, яна фалончи фал-

лон катта тўйхонада ўтказди, менинг ундан қаерим кам деб мусобақалашидек ёмон иллат пайдо бўлмоқда. Чўнтаги шуни кўтарар экан, ўзи билди де-сақ, бу ёқда ўртаҳол, камдаромадли оилалар турибди. Уларнинг буй етган фарзандлари ҳам ўша тенгқурдан ортда қолгиси келмайди. Мана ёшлар тарбиясига путир етказадиган ҳолатлардан бири! Умуман олганда тўйларимизни тартибга солиш, камчиқин қилиб ўтказиш ҳақида кўп гапирилади-ю, ана шундай «рекорд ўринли» тўйхоналарга мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳеч иккиланмай рухсат беришаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Қулон Қорабоғ қишлоғида мўъжазгина тўйхона бор. Уч юз ўринлик. Кунда бу даргоҳда тўй. Ҳатто наватб кўтиб туришади. Хизматлар аъло даражада йўлга қўйилган. Тўйлар жуда тартибли ўтади. Бу асосийси эмас. Асосийси — тўйхона эгаси, од-

дий фермер ўтказилган тўй учун хар меҳмон бошига беш юз сўмдан, яъни юз эллик минг сўм ҳақ олади. Агарда тўй эгаси кам даромадли бўлса яна чегирма қилади. Ана инсоф, ана имкон!

Янги тўйхона қурган, тез кунда ишга тушириш учун шошаётган бир тадбиркор акахон билан сўхбатлашдик. Яъни интервью олдик. Унинг оғзидан бол томади: — Халқимизга бир хизмат қилайлик дедик-да. Тўйхонанинг савоби кўп.

Шу ўринда биз тўйхона учун сарфланган маблағ қанчалиги ва қанча мuddатда ўзини қоплатиши билан қизиқдик. Шунда тадбиркор акахонимиз рақамларни рақамларга уриб, биланлик қилди: — Тўйхонамиз саккиз юз ўринли. Тўрт юз миллион сўмга яқин маблағ сарфладим. Ҳар ўрин учун уч мингдан олсам, ойига йигирма тўй ўтказсам... бир йилда сарфлаган маблағим қайтиб турибди...

**Саъдулла БОБОВЕВ, истеъфодаги ички ишлар ходими:**

— Тўйхоналарнинг жойлаштирилиши масаласига ҳам мутасадди идоралар раҳбарлари эътибор қаратишса бўларди. Бир тўйхона бор — катта магистраль йўл устида. Машиналар учун тўхташ жойи кичкина. Олти юз ўринли тўйхонага меҳмонларнинг камида тўртдан бири ўз шахсий машинасида келади. Қани уларни қўйишга жой? Катта йўл усти машиналарга тўлиб кетади. Улар йўл ҳаракати хавфсизлигига ҳалақат беришаётгани ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Шунингдек, сўнгги пайларда мутасаддиларнинг эътиборсизлиги оқибатида ҳатто ўқув даргоҳлари ва касалхоналарга яқин жойларда ҳам тўйхоналар қад ростляпти.

**Аҳмаджон ВАИСОВ, ЎзХДП Хонқа туман кенгаши раиси:**

— Аҳоли зич маҳаллалар, шаҳарлардаги кўп қаватли иморатларда яшаётган одамлар тўй мавсумида ҳар кун шовқин-суронли кўшиқларни эшитишга мажбур. Тўйхонани қуришдан олдин ана шу томонларини ҳам ўйлаш керак.

Яхшиси бу ҳақда мутахассис фикрига қулоқ солайлик.

**Навбахор СОЛАЕВА, психолог фаилари номзоди, Ал Хоразмий номидagi Урганч давлат университети ўқитувчиси:**

— Шовқин инсон асабини емиради. Асабнинг бузилиши эса турли хасталиклар келтириб чиқаради. Шу боисдан аҳоли истиқомат жойларида, айниқса, шаҳарларда тунги дам олиш вақтида осойишталикни таъминлаш учун шовқин-суронли ускуналар ишлатилишига йўл қўйилмайди. Ишлатилганда ҳам меъёр бўлади.

Шу ўринда яна бир гап. Баъзи тўйхоналар мослаштирилган биноларда ҳам очилган. Қачондир савдо маркази вазифасини баҳарган бино тадбиркорнинг «лойиҳаси» асосида икки-уч ой ичида тўйхонага айланади. Мана шундай биноларнинг иккинчи қаватида тўрт юз — беш юз чоллик меҳмон ўтказилган. Тўй авжида ёшлар давра ўртасида тинмай рақсга тушишади. Бу эски бинонинг деворлари — таъин устунлари шунча одамни кўтариб туришга мўлжалланганми?

**Тўғри, бино мослаштирилганда, янги «лоийҳа» асосида хизмат турини ўзгартиришда масъул ташкилотларнинг мутахассислари ўз хулосаларини беришгандир, аммо кафолат қани?**

Барча хизмат кўрсатиш шохобчаларида харидор ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда пул ўтказиш, пластик қарточка муомаласи янги йўлга қўйилгани ва қўйилаётганини кўриб турибмиз. Тўйхоналарда қани кўриши ёки пластик қарточка орқали ҳисоб-китобга тўйхона эгаларининг кўпчилиги рози бўлмайди. Асосий ҳисоб-китоб — нақд пул тўйхона эгаси қиссасига тушади. Солиқ тўловлар қандай бўлади? Эҳтимол бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керакдир?

Умуман тўйхона хизмат шохобчасими ёки — тез бойишнинг, дабдабозликнинг янги-на шаклими?

**Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



# ИЧКИ ИМКОНИАТЛАР ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Юртимизда давлат мулкни ижарага бериш тартиби такомиллашгани сайин жойларда бўш турган давлат нотурар жой фонди объектларини аниқлаш, уларга оид маълумотлар базасини юритиш ва бу объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ишлари ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Бунинг натижасида кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг фаолият кўрсатишлари учун қулай шароитлар яратилиб, янги ишлаб чиқариш ҳамда сервис объектлари ва энг муҳими қўшимча иш ўринлари вужудга келмоқда.

Давлат мулкни бошқариш Фарғона вилояти бошқармаси ҳузуридаги «Вилоят давлат мулкни ижарага бериш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан бўш турган ва фойдаланилмаётган бино ва иншоотларни аниқлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида унитар корхонани асосий вазифалари этиб, давлат мулкни ижарага бериш тартиби ташкил этиш ва ижарага бериш, ижарага берилган давлат мулкдан тушадиган тўловларини тақсимлаш ҳамда фойдаланилмай бўш турган нотурар объектларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб, тадбиркорлар томонидан ижарага олиш юзасидан тақдим этган талабномалар қондириляпти.

2011 йил давомида унитар корхона томонидан 936 та ижара шартномалари рўйхатга олинди, шартномаларнинг умумий қиймати 1 млрд. 311,2 млн. сўмни, майдони 110,9 минг кв.м.ни ташкил этди. Шунингдек, 2011 йил давомида ижарага беришдан 1 млрд. 518,3 млн. сўм маблағ туширилиб, шундан 50,0 фоизи ёки 615 млн. сўм мулкни балансида сақловчи корхоналар ҳисобига йўналтирилди.



Унитар корхона томонидан тадбиркорлик субъектларига ижарага берилган жойларда турли йўналишлар бўйича фаолиятларини юритиш билан бирга 1215 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Вилоятда фойдаланилмай бўш турган нотурар объектларни хатловдан ўтказиш ишлари жадал давом эттириляпти. Жумладан, 2011 йил давомида хатлов натижасида вилоятнинг шаҳар ва туманларида умумий майдони 77,9 минг кв.метр бўлган 369 та фойдаланилмай бўш турган объектлар аниқланиб, оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет веб сайтларида эълон қилиниб ва улар ижарага берилди. Масалан, Фурқат тумани ҳокимлигига қарашли Навбахор қишлоғида жойлашган бўш турган бино «Рашидбек савдо сервис» хусусий корхонаси томонидан ижарага олинди, мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида, ушбу тумандаги «Навбахор УУСБ» шўба корхонасига қарашли Бек қишлоғида жойлашган бўш турган бинолари «Рўзиматжон ота» масъулияти чекланган жамияти томонидан ижарага олинди, тўқимачилик ва тикувчилик фаолияти йўлга қўйилди. Қўқон шаҳар халқ таълим бўлими 23-умумий ўрта таълим мактабига қарашли бўш турган бино яқка тартибдаги тадбиркор Иосиф Аванесов томонидан ижарага олинди, пайпоқ ишлаб чиқариш, Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси таркибидagi шаҳар болалар шифохонасига қарашли бўш турган бино «Қўқон ширин сўт» масъулияти чекланган жамияти томонидан ижарага олинди, сўт маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасига айлантирилди. Фарғона машинасозлик касб-хунар коллежига қарашли бўш турган бинони ижарага олган «Фарғона Муҳаммад Аюб» хусусий корхонаси металл буюмлар ишлаб чиқариш фаолиятини бошлади. Бундай мисолларни яна кўплаб бошқа шаҳар ва туманлар мисолида ҳам келтириш мумкин.

Бу борадаги мавжуд имкониятдан фойдаланиш кичик бизнесни ва айниқса, микрофирмалар ҳамда янги яқка тартибдаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда қўшимча имкониятлар яратмоқда.

**Шокиржон АҲМЕДОВ,** Фарғона вилоят «Давлат мулкни ижарага бериш маркази» ДУК раҳбари.

## Реклама ва эълонлар

# КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА КЎМАК

Иқтисодий салоҳияти тобора ошиб бораётган Жиззах вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сезиларли даражада кўпаймоқда. Кичик корхоналар ва қўллаб замонавий ишлаб чиқариш объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунда шубҳасиз, «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки Жиззах вилоят бошқармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.



Бугунги кунда бошқармада 11 мингдан ортиқ миқозга банк хизматлари курсатилмоқда. Шундан 2700 дан зиёд кичик бизнес субъектлари ҳисобига тўғри келмоқда.

2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк ўз маблағлари ҳисобидан 1572 та кичик бизнес субъектларига 28 млрд. 819 млн. сўм кредит ажратилди. Ушбу кредитлар ҳисобига 3503 та янги иш ўринлари яратилди.

Ажратилган кредитларнинг 6 млрд. 585 млн. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, улар халқ истеъмол моллари, қишлоқ хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ривожлантириш учун йўналтирилган.

Бугунги кунда банк филиалларида 890 дан ортиқ тадбиркор аёлларга хизмат кўрсатилмоқда. Бу борада ажратилган кредит маблағлар қолдиги 1 млрд. 572 млн. сўмини ташкил этади. 148 та тадбиркор аёлга эса 2 млрд. 293 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини ривожлантириш учун ҳозиргача 46 та кичик бизнес субъектига 1 млрд. 554 млн. сўм миқдорда кредит ажратилган бўлиб, улар ҳисобига қишлоқ жойларда маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилди. Олтидан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Бошқарма жамоаси ёшларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини кичик

бизнесга жалб қилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, ўқув-семинарлари ташкил этилди. Буларнинг самараси ўлароқ кўпгина ёшлар кичик бизнес билан шуғуллана бошлади. Жумладан, ҳозиргача касб-хунар коллежи битирувчиларидан 32 нафарига ўз бизнесини йўлга қўйиши учун 368,9 млн. сўм кредит ажратилди. 68 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда ишлаб чиқилган ҳудудий дастурларга асосан 55 та лойиҳага 14 млрд. 802 млн. сўм кредитлар ажратилди. Бу кредитлар вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, паррандчилик, иссиқхона, гўшт ва сўт маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, баликчилик ва асаларчилик соҳаларига йўналтирилди.

Шу ўринда айрим мисолларга мурожаат қилсак: Пахтакор туманидаги «Харидор барака» хусусий корхонаси гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш учун банкдан 790 млн. сўм кредит олганди. Ушбу лойиҳа тезда амалга оширилди. Корхона томонидан Австриянинг «Норберт Шаллер

ГЕЗМБХ» фирмасида ишлаб чиқарилган сўнгги рўсумдаги ускуналар ўрнатилди. Хозир ушбу корхона савккиз хил турдаги қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. 20 та янги иш ўрни яратилди. Коллеж битирувчиларидан тўрт нафари иш билан таъминланди.

Вилоятда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш учун банк томонидан 6 млрд. 130 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун «Жиззахпластмасса» очик акциядорлик жамиятига болалар галантерейя ўйинчоқлари ишлаб чиқариш мақсадида 1 млрд. 64 млн. сўм миқдорда, Фаллаорол туманидаги «Бунёкдор» хусусий фирмасига 45 млн. сўмлик кредит берилди.

Жиззах шаҳридаги «Сангзор экспресс» хусусий корхонаси мебель ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида банкдан 80 млн. сўм кредит олганди. Бунинг ҳисобига мебель ишлаб чиқариш линияси ишга туширилиб, бугунги кунда энг замонавий андоздаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳа ҳисобига олти янги иш ўрни яратилди. Хозиргача 50 дан ортиқ ётоқхона, 200 дан ортиқ ошхона ва идора мебеллари ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбохтиёр МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

## Ҳуқуқий ислоҳот

Ҳозирги даврда халқаро ҳуқуқий меъёрлар давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг турли хил соҳаларини тартибга солиди. Авваламбор, уларнинг бундай вазифаси жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиши, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг кенгайиши ҳамда дунёнинг глобаллашув жараёнига тобора кириб боришига боғлиқдир.

# ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ИНСТИТУТИ

унинг ривож ва истиқболлари

Давлатлар ўртасида келиб чиққан низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили хозирги халқаро ҳуқуқ фанида ўзига хос ўрин эгаллайди. Ушбу тамойил давлатлар ўртасидаги барча низоларни келиб чиқиш хусусиятидан қатъи назар тинч воситалар ёрдамида ҳал этилишини кўзда тутади. Дунёда тинчликни сақлаш ва мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни барпо этишда бу тамойил катта аҳамиятга эгадир.

Охириги йилларда низоларни тинч воситалар билан ҳал этиш тамойили ривожланишининг асосий йўналишларидан бири халқаро арбитраж соҳасидаги маҳсус халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг шаклланиши ҳисобланади. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, хозирги кунга келиб, халқаро арбитраж ўзининг хусусиятига қараб турли хил кўринишларга бўлинди. Халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим институтиларидан бири сифатида халқаро тижорат арбитражнинг шаклланиши давлатлар ўртасидаги икки томонлама иқтисодий муносабатларни янада чуқурлаштиришнинг бевосита натижасидир.

Халқаро тижорат арбитражи низоларни, жумладан, ҳужжалик юритиш соҳасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишнинг керакли воситасига ҳақиқатан ҳам айланиши учун давлатларга кўп йил-

лар давомида бир қатор маҳсус халқаро ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқиш керак бўлди. Ушбу қабул қилинган меъёрлар халқаро тижорат арбитражнинг тартибга солинишига қарраб олмасдан, балки халқаро ҳакамлик судларининг вазифалари ва иш юритиш фаолиятини ҳам белгилаб берди.

**Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон иқтисодий ҳаётига ва халқаро меҳнат тақсими бозорига жадал равишда кириб бормоқда. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишдан кейин барча мулк шаклидаги корхоналар ўзининг хорижий ҳамкорлари билан биргалликда қўшма ҳужжалик фаолиятини юритиш учун шартномалар тузиш имкониятига эга бўлдилар.**

Ташки иқтисодий муносабатларнинг тобора ривожланиб бориши ўз навбатида фақатгина савдо-сотик алоқаларининг ошишига эмас, балки турли хил тижорат низоларининг келиб чиқишига ҳам олиб келади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, халқаро

тижорат арбитражи институтига яқин келажақда жуда катта эҳтиёж пайдо бўлади.

Ишбилармон доиралар учун тижорат тижорат арбитражининг қулайлиги, уни хозирги пайтда халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги низоларни ҳал этишнинг асосий воситаси бўлишига олиб келди. Шунинг учун тижорат арбитражнинг асосий қондаларини билиш ва уларни амалиётда татбиқ этиш олиш жаҳон бозорига ўзжалик юртубчи субъектларнинг муваффақиятли фаолиятининг гарови ҳисобланади.

Тижорат арбитражнинг низоларни ҳал этишнинг бошқа усулларидан шубҳасиз устуворлиги, унинг халқаро конвенция ва шартномалар доирасидаги юқори даражадаги регламенти билан белгиланади. Бунинг натижасида сўнгги йилларда кўплаб давлатларнинг халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги миллий қонунчилик меъёрлари кескин унификациялаштириш жараёнини бошдан кечирди.

Ўз навбатида халқаро тижорат арбитражини тартибга солишчи халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг янада ривожланиши турли хил давлатларнинг миллий қонунчилигидаги коллизияни вазиетларнинг олдини олишга туртки бўлиб хизмат қилади.

**Мавлон МУХИТДИНОВ** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими.

## КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

## ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1.	Ишпихон тумани, Боккон қишлоғида иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежининг 180 ўринли филиали қурилиши	1 693 776 402 сўм	1 411 480 335 сўм	7 ой
2.	Ургут тумани Хўжайдуқ қишлоғидаги 50-мактаб ўқув блокни тадбиркорлик коллежининг 180 ўринли филиалига мослаб реконструкция қилиш	1 216 517 565 сўм	1 013 764 638 сўм	7 ой

**Қурилиш ишлари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.  
**Буюртмачи:** Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси  
**Манзили:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони 1-уй.  
**Телефон:** (8366) 235-82-86.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишланганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидаги фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилирига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берилмайдиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти

қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.**  
**Тел.: 231-13-51, 231-13-52, 233-32-00.**

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.**

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куну ва соатига.  
Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да ўтказилади.**

ОБ-ҲАВО 9-10 - 02. 2012		Дунё бўйлаб (°C)	
Юртимиз бўйлаб (°C)		Гонгконг +12 / +14	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти		Рим +2 / +3	
-7 / -12	0 / -5	Анкара -5 / -3	
Бухоро ва Навоий вилоятлари		Токио 0 / 0	
-5 / -10	0 / -5	Лондон +1 / -4	
Тошкент, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари		Париж 0 / 0	
-5 / -10	0 / -5	Москва -19 / -17	
Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари		Мадрид -4 / -3	
-3 / -8	+2 / +7	Пекин -8 / -8	
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари		Тошкент шаҳри	
-7 / -12	0 / -5	Тошкент шаҳри	
Тошкент шаҳри		Тошкент шаҳри	
-7 / -12	0 / -5	Тошкент шаҳри	

## ХАЛҚ БАНКИ:

## ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

Давлат-тижорат Халқ банки мамлакатмиздаги энг йуриқ, кенг тармоқли молия муассасаси ҳисобланиб, у аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан узоқ ва борш қийин бўлган ҳудудларга истиқомат қилаётган фуқаролар ҳамда кредит муассасалари, корхона ва ташкилотларга юқори даражада банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.



XALQ BANKI

ҚУЛАЙЛИКДАН  
БАРЧА  
БАҲРАМАНД

Халқ банкининг асосий фаолият йўналишлари сифатида қуйидагилардан иборат:

- юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида замон андозалари даражасида банк инфратузилмаларини ташкил этиб, аҳолига сифатли банк хизмат турларини тақдим этишни такомиллаштириш;

- банкининг барча муассасалари томонидан тақдим этилаётган банк хизматлари сифатини янада яхшилаш, хизмат турларини кенгайтириш;
- омонатларнинг янги турларини жорий этиш ва омонатчиларнинг манфаатдорлигини таъминловчи фоида ставкаларини ўрнатиш орқали аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишни рағбатлантириш;

- аҳоли учун жозибадор бўлган шартлар асосида ютуқли омонатлар тизимини жорий этиш, мақсадли ва кўп тиражли лотореяларни чиқариш ва шу каби бошқа ютуқли тадбирларни ўтказиш;

- аҳоли ва миқозлар қўлидаги мавжуд миллий ва хорижий валютадаги маблағларни омонатларга жалб этиш;

- аҳолининг маҳсулотлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини, шу жумладан халқаро ва миллий валютадаги пул ўтказмаларини амалга оширишни янада ривожлантириш, қолаверса, жисмоний ва юридик шахсларга кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа хизматларни амалга ошириш.

Шу ўринда бундай хизматлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтсак.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз натижаларини бермоқда. Жумладан, Халқ банки томонидан фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақлари очилиб, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидаги ҳамда ихтиёрий тарзда қўйиладиган маблағлари бўйича маълумотларнинг ягона электрон базасидаги ҳисобот юритиб келинмоқда.

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ —  
УСТУВОР

Буларга муштарак равишда Халқ банки Бутунжаҳон жамғарма банклар институтининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Германия Жамғарма кассалари Фонди билан мустақам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Бундан қўзланган асосий мақсад миқозларга халқаро андозаларга мувофиқ банк хизматларини кўрсатиш шунингдек, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш, саноат ва сервис соҳасидаги фаолиятларини ривожлантиришдан иборат. Ўтган йиллар мобайнида мазкур Фонд томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан мамлакатимиздаги тадбиркор аёллар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича қатор вазифалар амалга оширилди.

Айни чоғда, мазкур молия ташкилоти томонидан аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилиб, улар иқтисодийнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Пировадиди маблағларнинг сақланиш кафолатини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаш, қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш каби тадбирлар самарали амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда, Давлат-тижорат Халқ банки республикамизнинг энг нуфузли молия институтларидан бири сифатида филиал шохобчаларининг сони, жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳажми ва аҳоли омонатларининг кўплиги бўйича етакчилар сафидан ўрин олган.

Қолаверса, ушбу муассаса жисмоний ва юридик шахслар депозитлари, ялли даромадлар ва активларнинг умумий ҳажми, кредит портфелининг юқорилиги ҳамда капиталлашув даражаси бўйича ҳам юқори натижаларга эришиб келмоқда.

ЮКСАК  
БАҲО ВА  
ЭЪТИРОФ

Банкларга рейтинглар беришнинг янгича методологиясига мувофиқ «Standart and Poor's» кредит рейтинглари хизмати Халқ банкининг узоқ муддатли рейтингини «В» дан «В+» гача оширди.

«Standart and Poor's» вакилларининг фикрича, Халқ банкининг адекват бизнес позицияси Ўзбекистон банк секторидидаги активлар кўлами бўйича (1 миллиард доллар қайта ҳисоблаш тартибиди) етакчи мавқеи билан белгилаштирилади. Охириги беш йилда кредитлашнинг жадал суръатларда ўсиб, кредит портфелининг яхши диверсификацияланганлиги бунда муҳим омил бўлмоқда.


Халқ банки ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳада давлат дастури бажарилишини таъминловчи ташкилот мақомига эгадир. Standart and Poor's таҳлилчилари банкининг молиявий кўрсаткичлари барқарорлигини яқин 12-24 ойда сақланиб қолишини билдирдилар.

## ФАОЛ ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР


2011 йилда Халқ банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпайтирди. 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкининг барча молиялаш манбаалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тад-

биркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 308,5 млрд. сўмга етди ва уларнинг аксарият қисмини микрокредит маблағлари ташкил этади. Буларнинг самараси ўлароқ 21 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Халқ банки томонидан жами ажратилган кредитлар, млрд. сўмда



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар, млрд. сўмда



(Давоми 8-бетда)

## О КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ ПО ПРОГРАММЕ СТРОИТЕЛЬСТВА

ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ЖИЛЫХ ДОМОВ В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В 2012 ГОДУ

Название проекта: Инвестиционная программа жилищного строительства для комплексного развития села с привлечением льготного кредита Азиатского Банка Развития. Инвестиционная программа жилищного строительства для комплексного развития села является многоотраслевой программой для повышения благосостояния села. В частности, она направлена на широкое внедрение современного сельского жилья и улучшение инвестиционного климата в сельской местности в качестве предпосылки для улучшения условий жизни и создания новых рабочих мест. Программа состоит из нескольких кредитных траншей для оказания содействия в финансировании доступного кредита на приобретение нового современного сельского жилья для заемщиков со средними и низкими доходами (молдые семьи и семьи впервые приобретающие дом, учителя и работники здравоохранения и другие квалифицированные специалисты (заемщики) в рамках программы (компонент 1). В рамках компонента 1 более 8 500 современных домов будет построено в сельской местнос-

ти по всей республике. Мультиграншевое финансирование (МТФ) также способствует укреплению потенциала органов государственной власти на местах (хокимиятов) в реализации комплексных планов развития села и инвестиционных стратегий развития, нацеленных на создание новых рабочих мест (компонент 2), а также укреплению благоприятных условий для субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, осуществляющих свою деятельность на селе (компонент 3).

Учреждения, ответственные за реализацию программы. Министерство экономики (МЭ) является исполнительным агентством программы. Участвующие коммерческие банки (УКБ) отвечают за ее реализацию в части компонента 1 и ответственны за обеспечение ипотечного финансирования заемщиков в рамках программы. Для транша 1 (2012) ОАКБ «Кишлоқ курилиш банк» (ККБ) является единственным участвующим коммерческим банком (УКБ). Для транша 2, 3 и 4 ожидается участие других УКБ, в дополнение к ККБ. МЭ отвечает за реализацию программы в части компонентов 2 и 3.

Описание работ, являющихся предметом конкурсных торгов. В рамках транша 1 МТФ в начале 2012 года будет организованы торги на заключение договоров подряда с большим объемом работ на общую сумму 511 млн. долларов США. Предметом проводимых конкурсных торгов будут в общей сложности 851 пакет предложений, каждый стоимостью около 600 тыс. долларов США и включающий в себя строительство 10 индивидуальных жилых домов. Проектная документация подготовлена областными проектными ведомствами и основана на утвержденных типовых проектах, разработанных проектно-исследовательским институтом «Кишлоқ курилиш лойиҳа» и утвержденным Градостроительным советом Республики Узбекистан. Инжиниринговая компания «Кишлоқ курилиш инвест» (ККИ), совместно со структурными подразделениями районных хокимиятов по вопросам строительства, является ответственной за мониторинг процесса строительства. На конкурсные торги выставляется 851 пакет предложений для строительства 276 массивов, расположенных по всей республике. Закупка работ и услуг в рамках программы будет осуществляться в соответствии с руководством Азиатского Банка Развития (АБР) по закупкам. Сводная информация по 851 пакету предложений приведена в вышеприведенной таблице.

Объявления о приглашении для участия в конкурсных торгах для конкретных пакетов будут опубликованы в областных газетах, начиная с 15 февраля, и будут содержать подробную информацию о месте и времени проведения открытых форумов, которые будут проводиться в каждой области с участием заинтересованных подрядных организаций. Полный список 276 массивов, а также копии стандартных тендерных документов могут быть скачаны бесплатно с официального сайта Правительства Республики Узбекистан или ККИ: www.uztender.uz, www.gov.uz [областные хокимияты — раздел для тендеров] или www.qqb.uz [раздел ККИ по тендеру] могут быть получены в хокимиятах или региональных филиалах ККИ по всей республике при уплате 10 000 сумов. После объявления о приглашении для участия в конкурсных торгах для конкретных пакетов, пакет предложений, содержащий генеральный план, подробный проект и сводные сметы для каждого из трех моделей жилья может быть получен в филиалах ККИ при уплате 65 000 сумов за пакет. Подрядчики, запрашивающие дополнительную информацию по проекту, пакету предложений, требованиям к тендерным предложениям либо процессу конкурсных торгов, приглашаются для участия в открытом форуме, или могут связаться с хокимиятами или региональными филиалами ККИ.

Для получения дополнительной информации обращаться в инжиниринговую компанию «Кишлоқ курилиш инвест», расположенную по адресу: 100100 г. Ташкент, ул. Усмон Носир, 53В, телефон: 253-93-11, факс: 253-95-76, электронная почта: info@qqb.uz.



TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ  
«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет конкурс на приобретение автоматической коробки передач модели VZ4102523HC265840 к буксировщику воздушных судов «SCHOPD F-180».

ПРИБОРЕНИЕ БУДЕТ ПРОИЗВОДИТЬСЯ ТОЛЬКО ЗА НАЦИОНАЛЬНУЮ ВАЛЮТУ УЗБЕКИСТАНА.

В стоимость изделия должны быть включены:

- стоимость изделия;
- стоимость перевозки;
- стоимость страховки;
- стоимость налогов по экспорту и импорту;
- стоимость таможенной очистки;
- стоимость упаковки и маркировки.

Условия оплаты будут обсуждены с победителем конкурса.

Срок поставки — минимально короткий, но не более 120 дней.

Условия поставки — DDP Ташкент

Гарантия на коробку — не менее 12 месяцев.

Конкурс будет проведен с 10 по 29 февраля 2012 года.

Желающих предложить свои услуги просим направить ваши предложения по адресу:

100167, г. Ташкент, ул. С.Талипова, 13. Начальнику ССТ.

В предложениях указать:

- полное название предприятия;
- копию учредительного документа;
- фамилию, имя, отчество руководителя и главного бухгалтера;
- условия поставки изделия;
- ценовые показатели.

Все данные должны быть заверены печатью организации.

Дополнительную информацию можно получить по телефону: +998901879445.

Регионы	кол-во массивов	кол-во домов	кол-во контрактов	оценочная стоимость (млн.долл. США)
Каракалпакстан	22	400	40	24.02
Андижан	27	770	77	46.24
Бухара	36	630	63	37.84
Джизак	14	370	37	22.22
Кашкадарья	22	870	87	52.25
Навои	20	500	50	30.03
Наманган	20	560	56	33.63
Самарканд	19	900	90	54.05
Сурхандарья	21	680	68	40.84
Сырдарья	4	320	32	19.22
Ташкент	23	1160	116	69.66
Фергана	28	700	70	42.04
Хорезм	20	650	65	39.04
<b>Итого</b>	<b>276</b>	<b>8510</b>	<b>851</b>	<b>511.08</b>

Реклама ва эълонлар

ХАЛҚ БАНКИ:

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР



XALQ BANKI

Бунда Президентимизнинг 2011 йил 7 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида банкнинг ҳар бир ҳудудий филиалида ташкил этилган «Тадбиркорлар бурчаги» самарали фаолият кўрсатиб келаётгани ҳам муҳим роль уйнамоқда.

Зеро, маслаҳатчилар томонидан ахборот ва тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошишига хизмат қилмоқда. Ҳар бир тадбиркорга уларни қизиқтирган масалалар юзасидан ба-

тафсил маълумотлар берилмоқда.

Шулар баробарида 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида «Энг яхши бизнес лойиҳа» танлови ўтказилди. Танловда 320 нафар кичик бизнес субъектлари, шу жумладан фермер ҳўжаликлари вакиллари қатнашди. Танлов натижаларига кўра, «Энг ёш тадбиркор», «Энг яхши аёл тадбиркор», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Қишлоқ жойидаги энг яхши лойиҳа» каби 5 та йўналиш бўйича ғолиблар аниқланиб, банкдан имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирланди. Таъкидлаш жоизки, танлов ғолибларини аниқлашда, асосий эътибор тақдим этилган лойиҳалар, иштирокчиларнинг яшаш ҳудудидан келиб чиқиб тузилганлиги, замонавий технологиялар асосида маҳаллий хом-ашёлардан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратиш, ҳудуддаги касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга ёндашилганлигига қаратилди.

Буларнинг барчаси ўтган йиллар давомида кредит портфелининг жадал суръатлар билан ўсишига замин яратди.



ЭЪТИБОР ВА ФАМХЎРЛИК

Халқ банки томонидан мамлакатимизда фаолият юритаётган 4,3 мингдан ортиқ тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 37,9 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Қолаверса, асосан аёллар ишлаётган корхоналар, улар бошқараётган фирмалар ва фермер ҳўжаликларига 19,5 млрд. сўмдан ортиқ, кам таъминланган оилаларга эса қорвачиликни ривожлантириш учун 8,5 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Банк филиаллари томонидан Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан ҳам ўтган йил мобайнида ёш оилаларга истеъмо, ипотека, микрокредитлар кўринишида кредит маблағлари тақдим этилди.

Шунингдек, Германия Жамғарма кассалари Фонди билан тузилган шартнома мувофиқ тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун Қорақалпоғистон Республикасида 36,0 млн сўм, Сирдарё вилоятида 218,4 млн. сўм ва Навоий вилоятида 87,3 млн. сўм миқдорда кредитлар йўналтирилди.

ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўтган йил охирида Халқ банки Жанубий Кореянинг «Донгбу Жамғарма банки» (Dongbu Savings Bank) билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Шунингдек, жамоа ходимлари Индонезияда ўтган Бутунжаҳон жамғарма банклари институтининг бош ассамблеяси ишида қатнашди. Унда икки томонлама ўзаро тақриб, «ноу-хау» ва бошқа ҳамкорлик қилишдаги масалалар бўйича фикр алмашилди. Бунда молия муассасалари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қатор масалалар билан биргаликда ҳамкорликнинг бошқа жиҳатлари бўйича ҳам музокаралар ўтказиш юзасидан келишиб олинди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Халқ банки жамоаси доимий равишда изланиб, аҳоли ва миқозларга қулайликлар яратишда муваффақиятларга эришмоқда.

Амалга оширилган ишларни куйидаги сатрларда кўришимиз мумкин:

- 1995 йилда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ «Ўзжамғарма-банк» Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкига айлантирилди;
- 1995 йилнинг июль ойида Халқ банки Ўзбекистон Банклари ассоциацияси аъзоси бўлди;
- 1995 йил ноябрь ойида Марказий банкнинг хорижий валютлада муомалаларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи бош лицензияга эга бўлди;
- 1996 йилдан бошлаб, банк 18 ёшга фарзанди бўлган оилаларга нафақа тўловларни тўлашни амалга ошира бошлад;
- Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан 1992-1995 йилларда нарҳлар индексининг ўсганлигини ҳисобга олиб, шунингдек, аҳолининг омонатлардаги ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларининг харид қобилиятини сақлаб қолиш мақсадида аҳолининг кўрсатиб ўтилган пул маблағлари индексация қилинди;

ЮТУҚ ВА НАТИЖАЛАР

- 1998 йилдан фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар ёлғиз бўлган оналарга нафақа тўлашни бошлади;
- 1998 йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат тижорат Халқ банкини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди;
- 1999 йилда тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар асосида банкнинг устав капитали 3 млрд сўм қилиб белгиланди.
- 1999 йилда Халқ банки Бутунжаҳон жамғарма банклари институтининг тўлақонли аъзоси бўлди. Шу йилдан бошлаб, Германия Жамғарма кассалари Фонди билан халқроқ ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишни бошлади. Ҳамкорликнинг асосий мақсади банк фаолиятини ҳамда республикадаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмқолаш билан бирга банк мутахассислари малакасини оширишга қаратилган;
- 2000 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат-тижорат Халқ банкини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ, 2000-2005 йиллар давомида Халқ банкининг устав капитали 10 млрд. сўмгача оширилиши белгиланди;
- 2001 йилнинг декабрида Давлат-тижорат Халқ банки ахборотларни етказиш ва тўловларни амалга ошириш халқроқ банкларари (SWIFT) тизимининг аъзоси бўлди;
- 2002 йилнинг январиде халқроқ пул ўтказмаларини йўлга қўйиш бўйича «Вестерн Юнион ДП Восток» ташкилоти билан ўзаро келишув имзоланди;
- 2002 йилнинг июлида Халқ банки ва Халқроқ кооперациялар жамғарма кассалари Фонди вакиллари ўртасида келгусида ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш масалалари тўғрисида музокаралар олиб борилди;
- 2003 йилнинг июнида Халқ банки ва Германия Жамғарма кассалари Фонди ўртасида қўшимча ҳамкорлик шартномаси имзоланди;
- 2004 йилда Лейпциг ва Биттерфельд Жамғарма кассаларидаги хизмат кўрсатиш технологиясини ўрганиш мақсадида Халқ банки мутахассисларининг Германияга сафари уюштирилди;
- 2005 йилда Халқ банки ва Биттерфельд Жамғарма кассаси мутахассислари билан биргаликда Сиёб ва Боғишамол филиалларида жамғарма амалиётларининг замонавий услублари жорий қилинди;
- 2006 йил Халқ банкининг Фарғона вилояти Амалиёт бўлими Жамғарма кассалари Фонди лойиҳаси доирасида намунали филиал сифатида пилот лойиҳаларни амалга ошира бошлади;
- 2007 йилда Германия Жамғарма кассалари Фонди лойиҳаси доирасида Асака ва Поп намунали филиаллари очилди. Лойиҳа доирасида барча ҳудудий филиалларда жами 38 та намунавий филиаллар очилди.

- 2007 йилнинг декабрь ойида «АНБОР РЕЙТИНГ» миллий рейтинг агентлиги Давлат-тижорат Халқ банкига «uzB++» (барқарор) кредит рейтинг даражасини берди;
- 2008 йилда Вестерн Юнион томонидан ўтказилган «Top Country Teams 2007 — мамлакатнинг энг яхши жамоаси» дастурида «Хизмат кўрсатиш масштабининг энг юқори даражаси» номинацияси бўйича ғолиб бўлди;
- 2008 йил январь ойида Президентимизнинг «Давлат тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан банк капитали 100,0 млрд. сўмга етказилди;
- 2008 йилнинг март ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди ва унга асосан 2008-2012 йиллар давомида банкнинг устав капитали миқдори 200 млрд. сўмга етказилиши белгиланди;
- 2009 йилда Германия Жамғарма кассалари Фонди билан ҳамкорликни давом эттириш мақсадида қўшимча келишув қабул қилинди;
- 2009 йилда «Standard & Poor's» рейтинг компанияси банкнинг қисқа ва узоқ муддатли кредитлар даражасини баҳолаб, «В» даражасини берди;
- 2009 йил июль ойида «АНБОР РЕЙТИНГ» миллий рейтинг агентлиги Давлат-тижорат Халқ банкининг кредит рейтингини «UZA» (барқарор) даражасига кўтарди;
- 2010 йилда «Standard & Poor's» рейтинг компанияси томонидан банкнинг қисқа ва узоқ муддатли кредитлари даражаси «Барқарор» деб топилди;
- 2011 йилда Банкларга рейтинглар беришнинг янгича методологиясига мувофиқ «Standard and Poor's» кредит рейтинглари хизмати банкнинг узоқ муддатли рейтингини «В» дан «В+» гача оширди;
- 2011 йилнинг ноябрь ойида Давлат-тижорат Халқ банки ва Жанубий Кореянинг «Донгбу Жамғарма банки» (Dongbu Savings Bank) ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди;
- 2011 йилда банкнинг 40 нафар ходими Жанубий Корея, Малайзия, ва Индонезия давлатларида ўқув курслари ва тренингларида қатнашиб, ўз малакаларини ошириб қайтишди;
- 2012 йилнинг 12 январидан бошлаб «Money Gram» пул ўтказмалари тизими бўйича фаолият юрота бошланди;
- 2012 йилнинг 25 январидан бошлаб «Visa international» халқроқ тўлов тизимига ассоциацияланган ҳамкор сифатида аъзо бўлди;
- Хозир Халқ банки тасарруфида 14 та ҳудудий филиал, 185 та туман (шаҳар) филиаллари, 271 та мини банк ва 3500 дан ортиқ шохобча ва махсус кассалар ўз фаолиятини юритмоқда.



САМАРАЛИ ТЎЛОВ ТИЗИМИ — АМАЛДА

Халқ банки тизимида замонавий ахборот технологияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Зотан, бу замонавий ва илғор банк хизматларини кўрсатиш молия бозорида рақобатбардорлик даражасини ошириш, хизмат кўрсатиш хавфсизлигини таъминлаш, бозор конъюктурасига қараб, тезда чора кўришнинг мажбурий шартини белгилайди.

Шу билан бирга, модернизациялаш дастури доирасида банкнинг ахборот таҳлил тизими жорий этилди, бу банкнинг молиявий ҳолатини таҳлил этишга, асосий бизнес жараёнларни бошқаришга кенг имкон бериши билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Халқ банки жадал иқтисодий ислохотлар жараёнида коммуникацион муҳитни ҳам тобора ривожлантириб бормоқда. Натияжада, миқозлар ўз ҳисобларига, молиявий ахборот базасига ма-софадан туриб хизмат кўрсатиш интернет, инфокиосклар ва «Интернет банкинг» тизими воситалари ёрдамида интерактив кириш имко-нига эга бўлишмоқда. Бу эса ҳўжалик юритувчи субъектларга хизматлар сифатини тубдан яхшилаш ва кенгайтириш имкониятини беради.

Банк томонидан маълумотларни юқори тезликда ўтказишнинг дастурий-техник мажмуаларини, ишончли ишла-шини ва ахборотнинг руҳсатсиз фой-даланишдан ҳимоялашни таъминлов-чи ўта мукамал корпоратив тизими-ни яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ахборот хавфсизлиги ва миқозлар ҳақидаги маълумотлар махфийлигини


Ахборот технологияларининг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда Халқ банки масофадан туриб бошқариладиган, кеча-ю кундўз ишлайдиган энг сўнгги ва замонавий «Уяли рил» янги тизимини жорий этди. Юксак илғор технологиялар асосида яратилган мазкур тизимда маълумотларнинг гонга базаси тўпланиб, ҳар бир миқозга интернет, уяли телефон ёки уй телефонлари орқали истаган жойидан туриб, ўз ҳисоб рақамини куза-тиш ва бошқариш имконини беради. Ушбу тизим қатор қулайликларга эга бўлиб, миқозларга хизмат кўрсатишнинг янги технологияларини жорий этиш орқали банк билан миқоз ўртасидаги алоқаларни янада яқинлаштир-ди. Оддий қилиб айтганда, ҳисобвара-фига эга миқоз уйда ёки ишхонасида туриб, истаган вақтда ўз пулларини бошқариши, кўрсатилган хизматларга тўловларни амалга ошириши мумкин.

(Давоми. Боши 7-бетда.)

такомиллаштириш мақсадида, ички назорат хиз-матида энг янги дастурланган технологиялар жор-ий этилган. Бундан ташқари, банк бизнес жара-ёнларини жадаллаштириш, меҳнат унумдор-лигини ошириш ва моддий техник ресурсларни тежаш мақсадида молия муассасасининг барча бўлимларида электрон иш юритиш билан инте-грацияланган, сертификатланган рақамли имзо-дан фойдаланган ҳолда, бизнес жараёнлар мо-ниторинги тизими жорий қилинмоқда. Тақдим этилаётган банк хизматлари хилма-хиллигини кенгайтириш, шунингдек, аҳоли ва миқозлар-нинг банк хизматларидан фойдаланишда ма-нафақдорлигини ошириш мақсадида аҳолига, ки-чик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кўр-сатилаётган молиявий хизматлар бўйича маслаҳат берувчи электрон маълумотлар тизими жор-ий этилди.


Шубҳасиз, бугунги кунда тўлов тизими тара-ққиетида пластик картчалар муҳим ўрин эгал-лайди. Боиси, улар аҳоли ва ҳўжалик тизими юритувчи субъектлар учун жуда қулай бўлиб, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни осонгина ба-жаришда қўл келмоқда. Бинобарин Халқ банки то-монидан замонавий ва қулай тўлов воситаси — пластик картчалар кенг миқёсда муомалага чи-қарилмоқда.

Муомалага чиқарилган пластик картчалар сони (дона)



Бунда тадбиркор ёки миқоз кўп вақтини те-жаш билан бирга иш унумдорлигини оши-ришга ҳам эришади. Муволафасиз айтиш мумкинки, янги технологияларнинг қўллани-лиши ва банк томонидан аҳолига ана шун-дай кафолатли хизматларнинг жорий этили-ши ўтган 2011 йил — «Кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорлик» йилида тадбиркор ва ми-қозларга муносиб совға бўлди.

Урнатилган терминаллар сони (дона)



**MUASSIS:**  
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TAHIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Muhammad MUXLIDDIN
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	MUBIDDINOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'afar HOTAMOV	Saidahmad
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	RAHIMOV

**BO'LIMLAR:**  
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz  
Г — 246  
19316 nusxada bosildi.  
t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 20.50  
Topshirilgan vaqti — 00.40  
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Alisher RO'ZIYEV**  
Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2000-7633  
1 2 3 4 5